



Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta



@Jadidrasmiy



@Jadidmediauz



@Jadidrasmiy



@Jadid_uz

ВАТАН МАНЗУМАСИ

Муҳаммад ҲОСИД

КЎКЛАМОЙИМ

Озод ШАРАФИДДИНОВА

Сочимда оқ, мен баҳордан ўтиндим:
Кўкламойим, кўкиндан бер бир чимдим.
Қор қўйнида сени кўмсаб ўкиндим,
Кўкламойим, кўкиндан бер бир чимдим.

Кўнглимга кўк бинафшалар сочилсин,
Кокилига толпоқудан соч илсин,
Бойчечакка борар йўллар очилсин,
Кўкламойим, кўкиндан бер бир чимдим.

Йил охири, йил боши ҳам ўзингсан,
Мажнунларнинг йўлдоши ҳам ўзингсан.
Лайлиларнинг сирдоши ҳам ўзингсан,
Кўкламойим, кўкиндан бер бир чимдим.

Кел-да, энди соғинтирмай одамни,
Сен йўғингда бир ғам босди елкамни,
Қорлар кураб кўмиб келдим отамни...
Кўкламойим, кўкиндан бер бир чимдим.

Кўкинг билан кийинтирай даламни,
Оёқяланг суюнтирай боламини,
Ўзинг олгин кўксимдаги аламни,
Кўкламойим кўкиндан бер бир чимдим.

Гинам йўқдир кузда кетган оққушдан,
Ийманмасин қайта эшик қоқишдан.
Қумри билан бирга чиқдик бу қишдан,
Кўкламойим, кўкиндан бер бир чимдим.

Жон устига асраб юрай кўкни мен,
Тўйиб-тўйиб кўзга сурай кўкни мен.
Яна сенга етаманми-йўқми мен,
Кўкламойим, кўкиндан бер бир чимдим.

Дил яйрасин дала-даштинг ясениб,
Ялпизларинг сув бўйига ястаниб,
Икки мисра байт битай бир мактаиб,
Кўкламойим, кўкиндан бер бир чимдим!..



ЭКОЛОГИК ДИПЛОМАТИЯ ёКИ БАРЧАМИЗ БИР ОРОЛДАМИЗ

Халқимизда “Сув қадри-ни ташна билар” деган мақол бор. Умуман, минтақа табиатидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, бу каби мақол-маталлар ёндош қардошларимизда ҳам кўп учраши шубҳасиз. Албатта, неки танқис бўлса, ўша тансиқдир.
Тожик биродарларимиз сувни “оби ҳаёт” деб улуғлашда ҳам ана шу ҳаёт ҳақиқати мужас-

сам. Дунёда экологик инқироз-жиддийлашиб бораётган бўлса, минтақамизда бу кулфат икки карра хис қилинмоқда.
Остона шаҳрида бўлиб ўтган Минтақавий экологик саммит ҳамда Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг йўғилиши Марказий Осиёнинг яқин ўн йилликдаги тақдирини белгилловчи тарихий воқеликка айланди. Етақчилар томони-

дан Остона баёноти, 26 мартни Халқаро Орол денгизи, Амударё ҳамда Сирдарё кўни деб эълон қилиш тўғрисида ҳамда Ўзбекистон етакчисини 2027–2029 йилларда жамғарма президенти этиб сайлаш тўғрисида имзоланган қарорлар ва Ўзбекистон Президенти илгари сурган ўта муҳим ташаббуслар ана шундай ҳулоса чиқаришга имкон беради.

(Давоми 4-саҳифада.)



Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган фан арбоби,
академик Фатхулла АБДУЛЛАЕВ билан суҳбат

– Домла, суҳбатга тайёргарлик чоғида нозик ва аҳамиятли таърифга дуч келдик. Бу бизга ғурур бағишлади. Унда Сиз “ночизиқли физика бўйича жаҳон миқёсида тан олинган илмий мактаб асосчиси” сифатида эътироф этилгансиз. Бу соҳа мураккаблиги учун илм аҳли орасида ҳам кам ёйилган экан. Ночизиқли физика ва унинг тарихи ҳақида айтиб берсангиз.

– Бу фан XX асрда жадал ривожланган бўлсада, илдизлари XIX асрга бориб тақалади. Биз тўлқинлар бағрида яшаймиз. Атрофимиздаги деярли барча жараёнлар тўлқин табиатига эга. Масалан,
(Давоми 2-саҳифада.)



суҳбат – акустик тўлқин. Агар тўлқин интенсивлиги паст, амплитудаси кичик бўлса, улар чизиқли деб аталади. Бу нимани англатади? Яъни, бир нечта тўлқин қўшилса, яна ўша шаклдаги тўлқин ҳосил бўлади, уларнинг частотаси ўзгармайди.

ФАКТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев куни кеча Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманига ташриф буюриб, бунёдкорлик ва инфратузилмани ривожлантириш ишлари билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистон ёшлари – 2030” стратегиясини 2026–2027 йилларда амалга ошириш ҳамда ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёева Самарқанд шаҳрида Халқаро наркотикларни назорат қилиш кўмитаси Бош котиби Стефано Бертераме билан учрашди.

Ўзбекистон ўз тарихида илк бор БМТнинг Жинотчиликнинг олдини олиш ва жинотий одил судлов масалалари бўйича комиссиясига 2027–2029 йиллар учун аъзо этиб сайланди.

МОЗИЙДАН САДО

“Ҳар кимки Машрабга етибдур...”

Машрабшунос олим, фалсафа, филология ва педагогика фанлари доктори Мўмин ҲОШИМХОНОВ билан суҳбат




– Домла, биламизки, Машраб ҳазратлари Алишер Навоидан кейин ўзбек шеърлятида турли жанрларда энг кўп ижод қилган сермахсул мутафаккир шоирдир. Сиз ўз илмий-ижодий фаолиятингизни Машраб ҳаёти ва фаолиятини ўрганишга бағишлаб келяпсиз. Сизнинг тасаввурингиздаги Машраб ким ўзи?

– Машраб – оташнафас шоир. Унинг Қашқардаги пири комили Офоқхожа: “Машрабга озор берманглар, у Фарғона дардини кўтарди”, деган экан. Машраб нафақат Фарғона замини, балки бутун аҳли ушшоқ ҳасратини, дардини кўтарган тариқат тарғиботчиси, авлиёи Ҳақ эди. Офоқхожа яна лутф этадики: “Ҳар кимки Машрабга етибдур, билсинки, Ҳаққа етибдур”.

Машраб дарвешликни шоҳликдан устун қўйган шоир. Шунинг учун ёзганки:
Бир мартабада турмас эмиш шоҳ ила дарвеш,
Бас, жандани кийдим ўзимни дарбадар эттим.
Машраб сабр-тоқатли, Ҳаққа етишган авлиё. Узини Ҳаққа бағишлаган дарвеш:
Бу олам аҳли ичра дилпаризиш ўлмасун ҳеч ким!
Мана, унинг фалсафаси. Иброҳим Ғафуров буни “Одамзодга юборилган Манифест” деб атаган.
Барчалар ёнди гуноҳдин, мен-чи, ёнмасман хануз!
Аё, дўзах мени куйдур, халойиқ кўймасун ҳаргиз!
Қайси Манифестдан кам бу нидолар.
Машраб – пайғом рутбасидан нурланган, покнасаб, палаги тоза, халқларвар муборак зот.

(Давоми 4-саҳифада.)

ПРЕМЬЕРА



ТЕАТРУДА ЙИҒЛАГАН МАЛАКЛАР КИМ?

Вақтли келганлар ҳам кечикди. Ўзбек давлат драма театри остонаси гавжум. Кўчанинг икки юзига катта-кичик уловлар қантариб қўйилган. Давримизда бу манзарани кўпроқ ресторанлар ё кўнгилочар масканларда кўриб ўрганганмиз.

Гавжумлик сабабчилари икки турли: чиптани кассада олишни (“Ҳозир ким спектаклга тушади?” деб) ўйлаганлар ва чиптаси бўлса ҳам, тадбирлар вақтида бошланмайди (кинода айтади-ку, “Билет бизда, поезд қаерга кетади?” деб) ҳисоблаганлар. Маъмурият улар-

ни қандай кўндириб, юпатиб қайтариб юборди, бу бизга қоронғи.
Бу вақтда биз, бир соатча олдин келганлар, бино топорларини кезиб юрдик. Кимлар йўқ эди дейсиз бу ерда? Академик Абдулла Аъзам, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Муҳаммад Али, Эркин Аъзам, таниқли адабиётшунослар Шухрат Ризаев, Олимжон Давлатов, давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, ректорлар, адиблар, шоирлар, рассомлар, бастакорлар, режиссёрлар, саныатшунослар ва албатта, журналистлар. Асосий йиғилганлар эса ёшлар.

(Давоми 3-саҳифада.)

ЎЙ

“БАХТСИЗ КУЁВ” дан 100 йиллик САБОҚ

XX аср Туркистон ўлкасига кириб келган янгиликлардан бири, бу – театр эди. Минтақада гарчи оммавий томошалар бундан аввал ҳам қўйилган, одамлар гавжум жойларда, сайил ва бошқа тадбирларда бу каби чиқишлар намоиш этилган бўлса-да, профессионал театрларнинг шаклланиши айнан жадидлар номи ва уларнинг серқирра фаолияти билан боғлиқ. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Падарқуш” номли биринчи миллий пьесасига ҳавас билан Абдулла Қодирий томонидан ёзилган “Бахтсиз куёв” жамиятдаги иллат ва одамлар тафаккуридаги нуқсонларга тўтилган кўзгу ўлароқ, қолаверса, миллий драматургиямизнинг шаклланиши ва ривожланишига қўшилган ҳисса сифатида ҳам муҳим аҳамиятга молик саҳна асарларидан бири ҳисобланади.

(Давоми 6-саҳифада.)





Бошланиши 1-саҳифада.

ҚУДРАТЛИ ТҮЛҚИН

Аммо нозиклиги тўлқинларда вазият бутунлай бошқача. Уларнинг хоссалари амплитудага боғлиқ равишда ўзгаради. Масалан, сувдаги тўлқинларни олайлик: амплитуда кичик бўлса, майда тўлқинлар ҳосил қилади. Лекин катта бўлса, цунами юзага келади. Демак, амплитуда қанча катта бўлса, нозиклиги шунча кучаяди.

Нозиклиги яна бир ёрқин мисолни оптика соҳасида кўрамиз. Одатда, ёруғлик нурлари муҳитдан ўтганда ўз ранги ва частотасини ўзгартирмайди. Лекин шундай махсус кристалл борки, улар орқали кучли нур ўтганда ранги ўзгариши мумкин. Масалан, қизил нур кириб, кўки чиқади. Бу ҳолат оддий ёруғлик манбалари билан кузатилади. Бу ерда асосий ролни лазер ўйнайди. Лазер нурининг интенсивлиги жуда юқори бўлгани учун нозиклиги эффектларни кузатиш имкони пайдо бўлади. Тажрибаларда лазер нурининг частотаси икки баробар оширилиб, бошқа рангли нур ҳосил қилинган. Бу нозиклиги оптиканинг классик намунасидир.

Ҳозирги кунда бу соҳа жуда кенг ривожланмоқда. Илгари нозиклиги эффектлар иккинчи даражали ҳисобланган бўлса, бугунги кунда улар кўплаб тизимларда асосий аҳамият касб этмоқда. Айниқса, микро ва нанотехнология тизимларида интенсивлигини ошириш натижасида нозиклиги кучаяди. Шунингдек, жуда паст температураларда ҳам тизимлар низоҳатда сезгир бўлиб қолади. Қисқача айтганда, нозиклиги тўлқинлар – бу замонавий физиканинг муҳим ва тез ривожланаётган йўналишларидан бири бўлиб, аҳамияти кун сайин ортиб борапти.

– Илмий ишларингиз солитонлар ва хаос назарияси билан боғлиқ экан. Улар бугунги кунда қайси соҳаларда амалий ифодасини топмоқда?

– Солитонлар кашфиётига 150 йил тўлди. Олим, муҳандис ва кема қурувчиси Скотт Рассел биринчи марта солитонни сувда кузатган. Бу шунақа тўлқинки, оддий тўлқинлар тарқалганда кенгайиб боради ва пасайиб кетади. Бунда эса у пасайиб кетмайди ва кенгаймайди ҳам. Солитон бу “солитар”, яъни “ёлғиз”, “ажралиб турадиган” дегани. Кейин плазма физикасида ҳам топилган. Ядро, термоядровий реакциялар, плазма назариясини ўрганишда ҳам қуришган солитонларни. Яна мен тилга олган лазерлар пайдо бўлганда, оптикада кўришган. Электромагнит тўлқинлар ҳам ҳар хил муҳитларда солитон формасида тарқалиши мумкин. Оптикий солитон дейилади. Менинг “Оптикий солитонлар назарияси” китоби шу мавзуга бағишланган. Илмий фаолиятим ва қўлланмалар ёзишни шундан бошлаганман-да.

– Илм ҳаётга вобаста бўлсагина тирикдир, деган фикр бор. Гапларингизни тинглаб, соҳа нақадар мураккаб эканига гувоҳ бўлялман. Айтинг-чи, бу тизим ҳаётга татбиқ этилган мисоллар борми?


– Солитонлар, айниқса, оптика ва электромагнит тўлқинлар соҳасида катта аҳамиятга эга. Бугунги кунда ахборот узатишнинг асосий қисми оптик тола орқали амалга оширилади. Телевидение, интернет, рақамли алоқа – барчаси шу технологияга таянади. Бу ерда сигналлар “ха” ва “йўқ” каби бинар код кўринишида, яъни ёруғлик импульслари орқали узатилади. Аммо бу тизимнинг фундаментал муаммоси бор: ёруғлик – бу тўлқин ва ҳар қандай тўлқин муҳитда тарқалганда кенгайди. Натижада сигналлар вақт ўтиши билан бир-бирига аралашиб кетади, чегаралари йўқолади ва хатолар пайдо бўлади. Бу – табиат қонуни, яъни принципаал чеклов. Шунинг учун оптик коммуникация тизимлари қанчалик тез

бўлмасин, уларнинг максимал самардорлиги чекланган. Ана шу ерда солитонлар ечим сифатида намоён бўлади. Чунки солитонлар тарқалмайди, шаклини сақлайди ва узоқ масофага деформациясиз етиб боради. Демак, улар сигналларни аралашиб кетишидан сақлайди ва маълумотни аниқ узатиш имконини беради. Бу эса мавжуд технологияларнинг фундаментал чегарасидан чиқиб имкониятини очади.

Амалий жиҳатдан қаралганда, солитонларга асосланган алоқа линиялари аллақачон синовдан ўтказилган. Масалан, Австралияда минглаб километрга чўзилган экспериментал солитон линияси қўрилган ва ишлаган. Лекин бу технологияни кенг

муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Чунки солитонлар нафақат оптикада, балки квант ҳисоблаш соҳасида ҳам қўлланилиши мумкин. Квант технологиялари ва солитонлар бир-бирига яқинлашиб бормоқда ва бу икки йўналиш кесилган нуқтада янги илмий ва технологик ютуқлар пайдо бўлиши эҳтимоли катта.

Хулоса қилиб айтганда, солитонлар – бу ҳозирги технологияларнинг чекка нуқтасида турган, лекин келажак учун улкан салоҳиятга эга бўлган мураккаб ва чуқур илмий йўналишдир. У ҳали тўлиқ амалга ошмаган имкониятлар дунёси бўлиб қолмоқда, аммо вақт ўтиши билан унинг амалий қиймати албатта намоён бўлади.



зорий этиш осон эмас. Чунки бунинг учун бутун инфратузилмани – генераторлар, қабул қилгичлар, модуляция усуллари – тўлиқ қайта қуриш талаб қилинади. Индустрия эса одатда янги принципга кескин ўтишдан кўра, мавжуд технологияни аста-секин тақомиллаштиришни афзал кўради. Бу ҳолатни электроникада ҳам кўриш мумкин.

Масалан, транзистор технологияси ҳозир деярли физик чегарага етиб келган: ўлчамлар нанометр даражасигача кичрайдиган. Лекин шунга қарамай, янги принципга ўтиш ўрнига, шу эски йўлни янада оптималлаштиришга уриниш давом этмоқда. Солитонлар билан ҳам худди шундай ҳолат. Бир вақтлар уларга жуда катта умидлар боғланган эди, аммо амалиётда янги муаммолар пайдо бўлди. Илм-фаннинг табиати шу: бир муаммони ҳал қилсангиз, дарҳол бошқаси юзага чиқади. Солитонлар барқарор бўлса-да, уларни яратиш, бошқариш ва реал муҳитларда сақлаш осон эмас.

Ўзбекистонда бу йўналиш асосан назарий даражада ривожланмоқда. Масалан, Ўзбекистон Миллий университетида ва илмий марказларда назарий физиклар солитонлар билан боғлиқ тадқиқотлар олиб бормоқда. Шу жумладан, элементар зарралар физикасида ҳам солитонсимон ечимлар ўрганилмоқда. Лекин ҳали бу ишлар кенг қўламли технологияларга татбиқ этилмаган. Келажакда эса бу йўналиш янада

– Ҳозирги кунда олиб бораётган амалий ишнингизга ҳам тўхталасан.

– Айни пайтда олиб бораётган илмий ишларим асосан макроскопик квант ҳодисаларига бағишланган. Бу нима дегани? Кўпчилик квант механикасини фақат атом ва элементар зарралар даражасида, яъни жуда кичик масофаларда намоён бўлади, деб ўйлайди. Масалан, мактабдан таниш бўлган Нильс Бор модели орқали атом тузилиши ўрганилади. Шунинг учун узоқ вақт давомида квант ҳодисалари фақат микродунёга хос, деган қараш устун бўлган. Аммо маълум бўлдики, муайян шароитларда квант хоссалар макроскопик – яъни кўз билан кўриш мумкин бўлган даражадаги тизимларда ҳам намоён бўлиши мумкин. Бунинг учун энг муҳим шарт – жамоавий ҳаракатдир. Демак, жуда кўп заррачалар бир-бири билан уйғунлашиб, гўё битта “улкан квант объект” каби ҳаракат қила бошлайди. Масалан, оддий шароитда ҳар бир зарра мустақил ҳаракат қилади. Лекин температура жуда паст бўлганда, уларнинг тўлқинли табиати кучаяди ва бир-бири билан “қопланиб кетади”. Натижада бутун система ягона квант ҳолатига ўтади.

Бундай ҳодисаларга бир неча муҳим мисоллар бор. Биринчиси, лазер. У макроскопик квант тизим бўлиб, жуда кўп фотонлар бир хил фазада ва бир хил ҳолатда ҳаракат қилади. Иккинчи муҳим мисол – ўта ўтказувчанлик. Айрим материалларнинг температурасини маълум даражагача пасайтирсак, уларда электр қаршилиқ тўлиқ йўқолади. Яъни, ток ҳеч қандай йўқотишсиз оқади. Бу ҳолатда электронлар алоҳида эмас, балки жамоавий равишда ягона квант тизим сифатида ҳаракат қилади. Бу ҳодисанинг амалий аҳамияти жуда катта. Масалан, энг кучли магнитлар айнан шу принцип асосида яратилади. Турли зарралар тезлаткичларида ишлатиладиган магнитлар ўта

ўтказувчан материаллардан тайёрланади.

Ҳозирги тадқиқотларим янада қизиқ бир йўналиш – квант газлари билан боғлиқ. Бу соҳада айрим газларни жуда паст температураларда совитганда, улар мутлақо янги ҳолатга ўтади. Бу ҳолат Бозе–Эйнштейн конденсати деб аталади. Бу гоёни илк бор Сатъендра Нат Бозе ва Альберт Эйнштейн илгари сурган. Улар шундай ҳолат бўлиши мумкинлигини назарий жиҳатдан башорат қилган эди. Бозе–Эйнштейн конденсатида миллионлаб атом бирлашиб, гўё битта атом каби ҳаракат қилади. Энг қизиғи, бундай тизимлар макроскопик ўлчамга, масалан, сантиметр даражасигача етиши мумкин. Яъни, одатда фақат микродунёга хос бўлган квант хоссаларни кўз билан ҳам кузатиш имкони пайдо бўлади.

Ҳозир айнан шу йўналиш замонавий физиканинг энг истиқболли соҳаларидан бири ҳисобланади. Квант газлари нафақат фундаментал илм, балки келажак технологиялари, жумладан, квант ҳисоблаш ва юқори аниқликдаги ўлчаш тизимлари учун ҳам катта аҳамиятга эга.

– Илм дунёсида ўз йўналишида хос мактаб яратган олимлар кўп эмас. Сиз асос солган нозиклиги физика мактаби ҳақида гаплашасан.

– 1975 йилда кандидатлик диссертациясини назарий элементар зарралар физикаси бўйича ҳимоя қилганман. Кейинчалик йўналишимни ўзгартириб, солитонлар соҳасига ўтдим ва 1984 йилда докторлик диссертациясини айнан шу мавзу бўйича ёқладим. Шу даврдан бошлаб илмий мактаб шакллана бошлади. Биринчи аспирантларимни 1978-1979 йилларда тайёрлаган бўлсам, кейинги йиллар давомида бу анъана кенгайди: тўртта докторлик ва ўн учта номзодлик диссертацияси тайёрланди. Кейинчалик эса турли йилларда чет элда ҳам узоқ муддатли илмий фаолият олиб боришга тўғри келди.

2001 йиллар атрофида хорижий илмий марказлар билан ҳамкорлик бошланган. Масалан, Британия Қироллик жамияти томонидан грант ажратилган ва илк бор Лондон Қироллик коллежига уч ойлик ташриф амалга оширилган. Бу каби сафарлар кўпроқ қизиқши ва илмий ҳамкорлик эҳтиёжи билан боғлиқ эди. Конференциялар ва илмий учрашувларда умумий муаммолар муҳокама қилинар, бир хил қизиқишлар тўғрисида биргаликда ишлаш зарурати пайдо бўларди. Масалан, Сент-Жонс, Кембриж каби муассасаларда ўтказилган учрашувлар илмий мулоқот учун муҳим майдон бўлган. Ўша даврда хорижда йўналишимиз бўйича илмий муҳит жуда кучли эди.

Кейинги даврда сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар сабабли фаннинг ривожланиши суръати секинлашган бўлса-да, унинг интеллектуал салоҳияти йўқолиб кетмаган. Тарих шуни кўрсатадики, фан тизимини қисқа вақтда пасайтириш осон, лекин уни қайта тиклаш жуда мураккаб жараён. Масалан, Германияда нацизм даврида қўлаб йирик олимлар мамлакатни тарк этган. Кейинчалик Германия иқтисодий жиҳатдан қайта тикланган бўлса-да, илмий мактабларнинг илгариги даражасига қайтиш учун ўнлаб йиллар керак бўлган. Шу маънода, илм – бу узоқ муддатли, узилгиларга чидамлик, лекин бир марта йўқотилса, қайта тиклаш учун катта вақт ва сарф-ҳаракат талаб қиладиган тизимдир.

– Илмий мактабни йўқотиш осон, лекин яратиш қийин. Халқаро тажрибангизга таяниб, ҳозирги кунда бизнинг илмда нималар етишмапти ва қайси шароитлар яхшиланди, деб ҳисоблайсиз?

– Ҳозирги ҳолатни олганда, албатта, ижобий ўзгаришлар бор. Эътибор аввалгидан яхши. Лекин фан, айниқса, фундаментал фан жуда қиммат ва узоқ муддатли сармоя талаб қиладиган соҳа. Баъзи соҳаларда натижа сўраш осон: “шуни ишлатинглар”, “буни қурилинглар”, “шу анжомни чиқаринг-

лар”, дейиш мумкин. Бу табиий, чунки натижаси тез кўринади. Лекин фундаментал фаннинг моҳияти бошқача, у дарҳол фойда бермайди, балки келажакдаги бутун технологияларнинг асосини яратади. Фундаментал фанни ривожлантириш учун, энг аввало, таълим тизими кучли бўлиши керак. Мактабдан бошлаб тайёрларлик, фикрлаш маданияти, илмий ёндашув шаклланиши шарт. Бу борада ҳали етишмовчиликлар бор.

Ешларга келсак, энг муҳими – қизиқиш. Лекин фақат қизиқишнинг ўзи етарли эмас. Фанда “хунар” деган тушунча бор, яъни касбий маҳорат, техник кўникмалар. Фан ҳам рассомликка ўхшайди: рассом фақат гоёни эмас, балки бўёқни қандай аралаштириш, мўйқаламдан қандай фойдаланишни ҳам билиши керак. Илмда ҳам худди шундай – назарий физикада бу математика: интеграл, дифференциал тенгнамалар, алгебра каби инструментларни пухта эгаллаш керак. Бу – фаннинг “техника”си. Шу билан бирга, фақат назария ёки қуруқ фикр билан чекланиб қолиш ҳам етарли эмас. Инсон доим ўқиши, машқ қилиши, ўз устида ишлаши керак. Қобилият бор, лекин у ривожлантирилмаса, натижа бермайди.

Жуда муҳим омилардан яна бири – илмий муҳит. Ёш олим қайси жамоада иш бошлаши тақдирда катта роль ўйнайди. Илмий мактаб, устозлар, кучли жамоа инсоннинг шаклланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ўзим ҳам ёшлик йилларимда Дубнада, Москвада, Ландау назарий физика институтида, П.Н.Лебедев номидаги физика институтида ишлаш имконига эга бўлганман. У ерда жуда кучли олимлар муҳити бор эди. Масалан, Виталий Гинзбург каби йирик олимлар билан мулоқот қилиш, уларнинг иш услубини кузатишнинг ўзи катта мактаб бўлган. Чунки шундай нарсалар борки, уларни фақат масала ечиб ёки китоб ўқиб ўрганиб бўлмайди.

Илмий тафаккурни шакллантириш учун кучли муҳит, жонли мулоқот ва реал иш жараёни жуда муҳим. Шунингдек, дунёқараш ҳам кенг бўлиши керак. Адабиёт, шеърят, умумий маданият ҳам олим шахсини шакллантиради. Чунки фан фақат тор техник билан эмас, у кенг фикрланиш талаб қилади.

– 78 ёшни қаршилаётган академик сифатида ҳозирги олимларга, ёш тадқиқотчиларга қандай тавсия берасиз?

– Мен тавсия беришга у қадар шошмайман. Чунки ҳар бир академик даражасига етган инсон – бу алоҳида бир шахс. У ўз хусусияти, ўз йўли, ўз оламига эга. Ҳатто уни битта “орол” ёки “яриморол”га қиёс қилиш мумкин. Ҳаётда тавсия бериш осон, лекин уни бажариш жуда қийин. Шунинг учун ҳар бир инсон, айниқса, ёш олим ўз йўлини ўзи топади.


Фикримча, энг муҳими – иланиш. Қизиқариш иш билан шуғулланиш керак. Қийинчиликдан қочмаслик лозим. Муаммо чикдими, қўл кўтариб чекиниш эмас, балки уни ҳал қилиш керак. Инсонда характер бўлиши шарт. Энг қимматли нарса – бу ўзинг қўйган ва ўзинг ечган масала. Кичик бўлса ҳам фарқи йўқ. Муҳими, инсон уни бошидан охиригача мустақил ечсин. Бундай тажриба жуда катта илмий тафаккур беради. Фаннинг табиати шундайки, унда ҳамма нарса олдиндан маълум эмас. Кичик кўринган масала вақт ўтиши билан катта илмий йўналишга айланиши мумкин.

Асосийси – қизиқиш, меҳнат, сабр ва мустақил фикрлаш. Қолгани эса йўл давомида шаклланади.

– Устоз, қимматли вақтингизни ажратганингиз учун миннатдорлик билдирамиз. Илм ва тажрибангиздан олган сабоқлар биз учун ҳам катта маъно бўлди. Сизга мустақкам солиқ, узоқ умр ва янги илмий ютуқлар тилаймиз!

Суҳбатдош:

Зарнигор ИБРОҲИМОВА



“

Ҳаёт велосипедда сайр қилишга ўхшайди. Йиқилмаслик учун ҳаракат қилиш керак.

Альберт Эйнштейн

”

ФОРУМ

Ўзбекистон делегацияси сафида Марказий Осиё мамлакатлари ва Ҳиндистон ёшлари форумида иштирок этдик. Мазкур тадбир минтақалараро мулоқот майдонини кенгайтиришда ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлди.

Делегация таркибидан таълим, иқтисодиёт, маданият, санъат ва бошқа соҳа вакиллари жой олганди. Сафар давомида давлат ва жамоат арбоблари билан учрашувлар ўтказилди, шунингдек, етакчи олий таълим муассасалари ва ихтисослашган ташкилотлар фаолияти билан яқиндан танишдик. Ташрифнинг асосий воқеаларидан бири Ҳиндистон ташки ишлар вазири Субраманиям

Жайшанкар билан учрашув бўлди.

Форум тадбирлари доирасида Ўзбекистон вакиллари хорижий иштирокчиларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшлар сиёсатининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти билан батафсил таништирди. Ёшларимиз учун яратилган кенг имкониятлар, йигит-қизларнинг жамият ҳаётидаги ролини оширишга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш борасидаги маълумотлар алоҳида қизиқиб уйғотди. Қамина вазир жаноблари билан мулоқотда Ўзбекистон ва Ҳиндистон ёшлари ўртасида халқаро спорт платформасини яратиш такли-

фини илгари сурдим. Ушбу чиқишим илқ қарши олинди.

Ҳиндистонда мен учун ҳайратланарли воқеалардан бири ўзбек ва ҳинд тилидаги талаффузи ва маъносини уйқаш сўзларни эшитганим бўлди. Масалан, “китаб”, “меҳнат”, “дуня”, “тандоори”, “самоса”, “чай”, “наан” сўзларини сиз ҳам таржимасиз тушунадигиз назаримда. Бу тасодиф эмас экан. Тилшунослар бу икки тил ўртасида 5000 дан ортиқ умумий сўз мавжудлигини тасдиқлашганини кейинроқ билдим. Қолаверса, ҳинд кино санъати соф ҳиндча сўзларни ҳам таржимасиз тушуниш имкониятини яратган.

Бетакрор ҳинд фильмлари сабаб бўлибим, бу улқа ва тилга бўлган қизиқиш юқори. Тошкентдаги Лаъл Баҳадур Шастри номидаги ҳинд маданияти маркази орқали мунтазам равишда ҳинд тили дарслари ўтказилмоқда ва талабалар ҳар йили Аградаги Марказий ҳинд институтида таълим олиш учун танланмоқда. Тошкентдаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига “Ҳиндистон кафедраси” ташкил этилган. 2024-2025 йилларда юртимиздан юздан ортиқ номзодлар ИТЕС дастури доирасида ҳинд ҳукуматининг стипендияларига сазовор бўлди.

Яна бир гап: бу ерда ҳам узун сочли қизлар алоҳида қадрланар ва ҳурмат қилинар экан. Бу кичик тафсилот чуқурроқ нарсага ишора қилади: на глобализация, на география кадрятлар қадрини ўчира олмабди.

Ёдингизда бўлса, улугъ жадид бобомиз Фитрат “Ҳинд сайёҳи қиссаси”-ни ёзиб, ўтган аср бошидаги минтақамиз манзараларига назар ташлаган эди. Бугун мен Ўзбекистон вакили бўлиб, Ҳиндистон эли билан танишимиз ва таассуротларимдан бир чимдим сизга ҳам улашдим. Ёшлар дўстлиги истиқболли риштадир. Келгусида ҳам мана шундай лойиҳалар қўламини кенгайиб боришини тилаб қоламиз.

Шамсиқамар СУҲУНОВА,
Зулфия номидаги Давлат
мукофоти лауреати



“Ҳинд сори юзландим...”



Бошланиши 1-саҳифада.

Театрнинг бир тарафида – цирк, бир ёнида бозор. Вақт ҳам шанба, кечки пайт. Шундай бир макон ва замонда ёшу қарини, эрқагу аёлни, олимун толибни бир том остига жамлаган муносабат нима бўлди экан? Тарадудни кўриб, тўй дейсиз. Аникроғи, тўйнинг давоми. Бу ҳақда кейинроқ...

Келинг, барчани чорлаган спектакль афишасига назар соламиз. У ерда аниқ ва лўнда қилиб битилмиш: “Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достони асосида саҳналаштирилган спектакль ПРЕМЬЕРАСИ”.

Ҳақ муаллифи ва адабий маслаҳатчи Ўзбекистон халқ ёзувчиси Хайридин Султон, инсценировка муаллифи Икром Искандар. Саҳналаштириш бадиий раҳбари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Олимжон Салимов, саҳналаштирувчи режиссёр Аскар Холмуминов.

2021 йил 25 декабрь. Улуғ инглиз адаби Шекспирнинг “Ромео ва Жульетта” беш пардали фожиаси Ўзбекистон халқ шоири Камол Камол таржимасида театр санъатининг “сўнгги могокан”и Олимжон Салимов томонидан саҳналаштирилди. Унга зиёлилар ҳам тақлиф этилган, улар орасида таниқли адиб Хайридин Султон ҳам бор эди.

2022 йил 1 январь. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” (ҳозирги “Jadid”) газетасида бир саҳифалик “Қиш ичра баҳор” мақоласи чоп этилди. Унда муаллиф “Ромео ва Жульетта” ҳамда “Лайли ва Мажнун” асарларидаги муштаракликни ифодалади. Спектакль Навоий байтлари орқали талқин этилади. Мутлақо янги ва қутилмаган муносабат театр жамоасига илҳом бағишлайди. Мақола муаллифи бевосита го муаллифига айланади.

“Лайли ва Мажнун” достони ҳазрат Навоий асарлари орасида эҳтимол энг образли, сирли ва мураккаб асар бўлса, ажаб эмас. Уни бугунги томошабинга манзур бўладиган, театр санъати қилинган мос тушадиган шаклга келтириш катта билим, меҳнат ва масъулият талаб қилиши бор гап. Бу ишни шунчаки, талаб ва тақлиф билан адо этиб бўлмайди. Бунинг учун Алишер Навоийга бўлган юксак иҳлос ва ҳавас ҳам керак. Ана шу вазифа таниқли шоир, мумтоз адабиёт билимдони, муҳаррир ва журналист Икром Искандарга юкланган экан. У кишига устозлар, олимлар ва санъаткорлар ёрдамга келади. Мана шу далда меваси ўлароқ муаллиф, қодирёна ифода билан айтганда, ҳавасида жасорат этиб, “ҳаваскорлик орқасида кечатурган куюр ва хатолардан қўчи турмай” ишга киришади. Бу жасорат ҳосиласи баҳосини эса, шубҳасиз, томошага тушганлар беради.

Бироз илгарилар айтишимиз керакки, Икром Искандар премьерани куни актёрлар ва томошабинлар талабига қарамай, ижодкорлар қаторида саҳнага чиққан истихоло қилди. “Бу асар Навоий бобомизники, қанча олқиш ва алқов бўлса Ҳазратга оид”, деб оёқ тираб туриб олганига гувоҳимиз.

Нега айнан ушбу театр ва жамоа? Юқорида ишора этилганидек, “Ромео ва Жульетта” ҳамда “Лайли ва Мажнун” асарлари ўртасида нафақат мазмуний-ҳиссий боғлиқлик, балки бу икки даҳо санъаткорнинг ҳаётини ва фалсафасини

ТЕАТРУДА ЙИҒЛАГАН МАЛАКЛАР КИМ?



қарашларида муштараклик бўлиб, икки спектакль бир-бирини тўлдирди. Премьера давомида айтилганидек, келгусида икки томоша икки кун кетма-кет қўйилади. Янглиги шундаки, битта чипта орқали иккита спектакль кўриш мумкин. Актёрлар таркиби ҳам деярли бир хил бўлади. Бу томошабинга асарни қабул қилишни янада осонлаштиради.

Тан олиш керакки, бугун бир дақиқалик видеога ҳам тоқати етмаётган аудитория диққатини бир-икки соатга қўзғаладиган спектаклга жалб қилиш ва ушлаб туриш мушкулдан мушкул. Камига театрларимизда ҳам олди-қочди томошаларга ўрганиб бораётган томошабинга мумтоз асарларни тақдим этиш икки карра оғир. Бироқ Олимжон Салимов ва Аскар Холмуминовнинг устоз-шоғирлик мактаби натижасида бу иш удаланган, деб баралла айтиш мумкин.

Мен ўзим “Ромео ва Жульетта”га тўрт марта тушдим. Бирон марта залда бўш жой кўрмадим, келувчиларнинг саксон фоизи ёшлар, яна бир томони, ҳеч ким залдан чиқиб кетгани йўқ сеанс давомида. Аксинча, спектакль тугагандан кейин маъмурият илтимоси қилиб залдан кузатиб қўйишади томоша таъсирига тушиб қолганларни.

Дарвоқе, “Лайли ва Мажнун” премьераси ҳақида ёзганман-у, кейинги сеансга жамоамиз билан бирга боришга чипта олишни унутганим йўқ.

Ниҳоят, зал эшикларини очилиб, ичкари кирилди. Барибир, ўзбекимиз-да, қўлида чиптаси ва тақлифномаси бўлса ҳам жамоат аввал ёши катталарга йўл берди, уларнинг жойлашиб олишини кутди. Кейин ўриндиқлар тўлди. Шундаям тик турганлар бор эди: уларга стул қўйиб берилди, аммо... Бу ёғи ўзбекчилик, йиғитлар қизларга жойини бериб, ўзлари зина ва йўлак

ларга чордона кўрди. Чиройли таъмирланган театр биноси шу қадар шинамки, бемалол полда ҳам ўтириш мумкин. Бир соатда ҳеч кимнинг макони тушиб қолмайди, бунинг эвазига тарихий премьеранинг илк томошабинига айланиш бахтига эришиш мумкин бўлган бир пайтда.

Парда очилди. Декорация кўпчиликини шошириб қўйди: саҳна деворларига, адашмасам, металл қоғоз (фалга) тортилган, марказда икита ҳавоза. Орқа томонда хонанда ва созанда учун майдон. Орқича ҳеч нима йўқ. Аммо шунинг ўзи бетакор спектакль учун кифоа қилди. Сюжет кайфиятига қараб чиқорлар ёрдамидеда саҳна муҳити ўзгартириб турилди. Бунинг учун саҳналаштирувчи расом Миржалол Холиқовга раҳмат айтаимиз.

Либослар бўйича расом Раъно Хайридиннова фантазиясига эса қойил қолмай илож йўқ. Маълумки, Лайли ва Қайс – араб қабилалари вакиллари. Уларга тўғридан-тўғри саҳройиларнинг кийимини танлаш энг осон йўл эди. Аммо либослар ижодкорлик ва замонавийлик синтези орқали яратилган. Танланган мато ва унинг безакларини бемалол мода намойишига олиб чиқса бўлади.

Композитор Аепберген Отегенов ижоди эса йиғилганларга дoston моҳиятини қалбдан тушунишга улкан ҳисса қўшди. Чунки ҳамма ҳам дoston сюжетини билмайди, саҳнада янграётган байтлар (гарчи имкон қадар бугунги тилга яқинлаштирилган бўлса-да) мағзини чақа олмайди. Аммо актёрлар ҳаракати ва сўзига ҳам оҳанг кетаётган мусикани таржимасиз тушунди ҳамма.

Спектакль рамзларга қурилган. Ҳар бир ҳаракат ортида фалсафа яширин. Актёрлар ўрни келганда самоъ ва балет рақсларини ижро этишига ҳам тўғри келди. Опера ва балет театри бўлмаса-да, балетмейстер Эркин

Қаҳҳорон ёрдами билан буни муваффақиятли удалашди.

Томоша ниҳоядади. Лайли ва Мажнунинг вафоти саҳнасида кейин чиқорлар ёқилди. Ишонасими-йўқми, кўпни кўрган нурунийлардан тортиб 16-17 яшар йиғит-қизларгача барчанинг кўзида ёш милтилларди. Орқароқ қаторда ўтирган қизлар ўзини тутта олмай баралла йиғлаб юборди. Биз олдинроқда ўтиргандик. Ёнимдаги талаба қизларнинг дастурмопчаси хўл бўлиб кетганидан ортиқ намликни синдирилмай қолди. Ёши катталар ҳам парда қайта очилгунча, тезда ёшини артиб олди. Девдай йиғитларни йиғлатгандан кейин томоша таъсирчанлиги ҳақида ортиқча гапириш шарт бўлмаса керак.

Очиги, бугун ахборот оқими шу даражада кучайиб кетдики, яхши-ёмон хабарлардан дийдамиз қотди. Айниқса, ёшлар унча-мунча нарсасига истеҳзо, киноя, беписанд, даҳшатлиси, лоқайд қарашга ўтди. Биз ўлим хабарлари, офат тафсилотларидан сесканмай қўйдик. Арзон кулгига харидор бўлиб қолдик. Кўзларимиз телефон экранига узок вақт тикилишдан ёки пивёз аччиғидангина ёшланадиган ҳолга келдик. Шундай бир пайтда театр ўриндиқларида “пиқ-пиқ” йиғлаб ўтирган нафис хилқат вакиллари бир лаҳзага кўзимга кўқдан тушган малақдай кўриниб кетди.

Ёшлар катталар астойдил ёзғирганидай адабиёт, китоб, санъатдан йироқлашиб кетмабди. Кўнгли озода мардум бор. Кўнгилиларни сақлаб қолиш ва сафини кенгайтириш эса яхши асарларни ёзиш, тарғиб қилиш, театр саҳнасига олиб чиқиш, кино қилиш орқали бўлади.

Актёрлар томошабинларга таъзимга чиққан вақти бирдан момақалдиқроқ гумбурлагандай, бино томи ва равоқлари силкиниб кетгандай бўлди. Сизга ёлғон, менга чин: йиғилганлар ярим соат тўхтовсиз қарсак чалди.

Премьерадан сўнг Ўзбекистон халқ ёзувчиси, го муаллифи ва адабий маслаҳатчи Хайридин Султоннинг теран фикрлари йиғилганларни яна бир бор тўлқинлатириди. Ижодкорлар кучоғи гулга тўлиб кетди. Ушбу спектаклда асосий роллардан бирини ижро этиши керак бўлган, аммо бугун орамиздан кетган, репитиция жараёнида саҳнада юраги хуруж қилган ардоқли актриса Доно Бобонова ёд этилди.

“Лайли ва Мажнун” спектакли Алишер Навоий ҳазратларининг 585 йиллик юбилеи, Жаҳоҳир Синдоронинг Халқаро шахмат федерациясининг Номзодлар турнирида қозонган тарихий оламшумул ғалабаси сингари миллий театр санъатимизда бир уйғониш бўлди, десак унглишмаймиз.

Отабек БАКИРОВ

ТАВАККАЛ ҚОДИРОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ



ТУРКИСТОН БУЛБУЛИ

Фасли навбахор бўлиб, гул уза кам-кам абри найсонлар ёққан шу кунларда мумтоз ва замонавий ўзбек кўшиқларининг моҳир ижроси, Ўзбекистон халқ артисти, профессор, “Замона булбули” номи билан машҳур бўлган назир йўқ хонанда Таваккал Қодиров таваллудига бир асп тўлди.

Ушбу кутлуғ сана ЮНЕСКО томонидан 2026-2027 йилларда нишонланадиган халқаро юбилейлар рўйхатига расман киритилган. Демак, санъаткорнинг кўшиқлари йил давомида нафақат Ўзбекистон ёки Марказий Осиё шинавандаларини, балки бутун олам санъатсеварларини маҳлиё айлайди.

Таваккал Қодиров 1926 йил 24 апрелда Кува туманида таваллуд тоғлан. Фаргона мусиқа билим юрти ва Фаргона педагогика институтини тугатган. Дастлаб доира ва гижжак чалиш сирларини, сўнг ашула айтиш йўлларини ўрганган. Иш фаолиятини Кува тумани Маданият уйи бадиий раҳбари сифатида бошлаган. Кейинчалик Фаргона театрида, вилоятлараро филармонияда яккахон хонанда, директор, Фаргона давлат университетидеда профессор бўлиб ишлаган.

Таваккал Қодиров “Кўқон ушшоғи”, “Тановар”, “Сувора”, “Феруз”, “Сеғоҳ” каби мумтоз ашулаларнинг моҳир ижроси сифатида шуҳрат топиш баробарида “Фасли навбахор”, “Дилбаргинам”, “Ухшайди-ку”, “Доғман”, “Шунчамиди”, “Жамолларингдан”, “Кеча ойдин”, “Уйнасин” каби ўз кўшиқларини ҳам санъатимиз олтин хазинасига тақдим этган.

Санъаткор Комилжон Отаниёзов ва Жўраҳон Султонов каби буюк устозлардан сабоқ олди. Ижодида Тошкент-Фаргона ва Хоразм ижро йўллари ютуқларини мужассам қилди. Бу билан чекланиб қолмай, ўз ижро йўлини яратди ва унда пилириқнинг устунилигига эришди. Бетакор, ширали, жарангдор ва тиник, ниҳоятда кенг ва юқори диапазонли овози билан том маънода беназир санъаткорга айланди.

У устозлари қуйлаган ашулаларни улардан баланд пардаларда ижро этар, сайқал берарди. Беқиёс овоз имконияти сабаб Таваккал Қодиров кўшиқларини ҳалигача аслидай такор ижро қилиш имконсиз бўлиб қолмоқда.

Айни шу омиллар XX асп 2-ярмида Таваккал Қодировни юртимиз ва жаҳонда қандай сезимли қилган бўлса, бугун ҳам санъат ихлосмандларининг таҳсинига сазовор бўлишига сабаб бўлмоқда.

Устоз санъаткор ижодига бағишлаб иккита телефильм ва видеофильм суратга олинган. Фаргонадаги санъат коллежи ҳамда кўчалардан бери Таваккал Қодиров номи берилган. 2017 йилда Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувда Таваккал Қодировни юксак ҳурмат билан эслаб, инсон ва санъаткор сифатида замондош ижодкорларга намуна қилган эди:

“Кўпчилигимиз яхши билимиз, илгари “Халқ артисти” деган унвон олиш учун санъаткор неча ўн йиллар самарали ижод қилиши талаб этиларди. Масалан, машҳур ҳофиз Таваккал Қодиров “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” унвонини олганидан кейин – шунга эътибор беринг – орадан 25 йил ўтиб, “Ўзбекистон халқ артисти” унвонини билан тақдирланган эди”.

Давлат мустақиллигининг ўттиз йиллиги арафасида Таваккал Қодиров Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан ўзининг бетакор ва ёрқин ижодий фаолияти, халқимиз маданиятини юксалтириш йўлида унутилмас хизмат қилиб, авлодларга қолдирган бой мероси, сермазмон ҳаёти ва ибратли инсоний фазилатлари билан эл-юртимиз қалбидан чуқур жой эгаллагани билан “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан мукофотланган.

Улуғ санъаткор хотирасига ҳурмат кўрсатиш ва меросини тарғиб қилиш бугун ҳам давом этмоқда.

Гулчехра УМАРОВА

ЭЪТИРОФ

Томошабин муносабати, айниқса, мутаҳассис фикри ҳар қандай ижодкор учун ниҳоятда муҳим. Ҳўш, Ўзбекистонда адабиёт, тасвирий санъат ва меъморчилик соҳаларида танқид қай даражада ривожланган? Янги китоблар ҳақидаги хабарлар, уларнинг шарҳи ва таҳлилларини босма ва интернет нашрларида кўп учратиш мумкин. Ҳўш, мусиқа соҳасида вазият қандай?

Профессионал танқид томошабинга ижодкорни чуқурроқ тушунишга, унинг санъатдаги ўрнини белгилаш ҳамда келажақдаги йўналишлари ҳақида асосли хулоса чиқаришга ёрдам бериши керак.

Журналист ва жамоат арбоби Борис Бабаевнинг “Культура.Уз” сайти фаолиятини алоҳида эътироф этиш жоиз. Мазкур интернет нашр нафақат профессионал мусиқашунослар, балки ижод йўлига қадам қўяётган талабаларга ҳам минбар яратади. Шу орқали у Тошкентдаги деярли барча мусиқий воқеаларни қамраб олишга муваффақ бўлмоқда. Яқинда ушбу сайтда мусиқашунос Антонина Бударинанинг Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасининг Катта залида 16 апрель куни бўлиб ўтган “Композитор Акмал Сафаров ижодида мусиқа, маъно ва вақт” номли концертга бағишланган таҳлилий мақоласи эълон қилинди. Бир композитор ижодига бағишланган “концерт-диалог” формати муҳокама ва концерт қисмларини уйғунлаштиргани, жумладан, муаллифнинг ўзи ижрода иштирок этгани билан алоҳида кизиқиш уйғотди.

Эртаси куни, 17 апрель санасида Консерваториянинг Орган залида яна бир йирик маданий тадбир – Ўзбекистон давлат консерваториясининг 90 йиллигига бағишланган “Ўзбекистон

Саҳнадаги ҳаёт нафаси

композиторлари мусиқаси” концерти бўлиб ўтди. “Туркистон” камер оркестри ва унинг бадиий раҳбари Муборак Лутфуллаева ушбу кечага пухта тайёрларик кўрган эди. Тошкент саҳналарида маҳаллий композиторлар асарлари кам янграши инобатга олинса, бу ташаббус ана шу камчилиқни бартараф этиш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Икки соат давом этган дастурда 14 нафар муаллифининг мазмун ва услуб жиҳатидан турфа асарлари ижро этилди.

Концерт марҳум композитор Баҳрулло Лутфуллаевнинг машҳур “Ёр-ёр” хори билан очилди (дирижёр Гулнара Маликова). Шундан сўнг дастурда турли услуб ва кайфиятдаги асарлар янгради: Виктор Хандамяннинг “Жасурлар макони” асарида арман мусиқасига хос оҳанглар акс этди, Жаҳонгир Шукурнинг “Чархпалак” асари торли оркестр учун мослаштирилган

талқинда ижро этилди. Анатолий Вареласнинг “Кончерто гроссо”сида эса соло скрипкалар (Елена Матвеева ва Асене Овчинникова) алоҳида жозоба касб этди.

Орол денгизи фожиаси – барчамизнинг умумий дардимиз. Мусиқа эса бу ҳақда барча халқларга тушунарли тилда сўзлай олади. Концертада композитор Ойдин Абдуллаева “Қорақалпоқ фантазияси” асарини тақдим этди. Камер оркестри билан уйғунликка киришган най ва чанқовуз овозлари (Ботир Дўсимбетов ва Қаҳрамон Рашидов ижросида) томошабинларда катта таассурот қолдириди.

Концерт Мустафо Бафоевнинг “Шодиёна” ва Рустам Абдуллаевнинг “Лазги” асарлари билан якунланди. Миллий руҳдаги бу мусиқалар кўп-кўп мамлакатда машҳур.

Консерваториянинг Орган залида ўтказила-



Ангелина ОДНОЛЬКО, журналист

диган концертларда доимо пойтахт меҳмонлари ҳам иштирок этади. Улардан бири Москвадан келган киношунос, Россия Кинематографчилар уюшмаси аъзоси, кино тарихи ўқитувчиси Анатолий Синицин ўз таассуротларини қуйдагича ифодалади: “Мен одатда концертларда академик канонларга мувофиқ қурилган, жуда узун, кучли ва қатъий режалаштирилган асарларни тинглашга ўрганганман. Бугун эса менга ҳар бир асарда ўзига хос, бир-биридан кескин фарқ қиладиган мусиқа тўлқини ёғилди. Ўзбекистондаги каби саҳнадаги ҳаёт ҳам жонли ва қатъий ижодий руҳда кечмоқда!”


Мусаввир чизган расмини деворга осиб қўйиш мумкин, аммо композитор яратган мусиқа асари муносиб шароитларда янграши керак. Асарнинг тугилиши эса фақат тингловчилар билан ўзаро мулоқотда содир бўлади. Композиторларимиз асарлари кўпроқ ижро этилишига, бир марталик асарлар бўлиб қолмаслигига эришиш зарур. Энг муҳими, заллар ва композиторларимизнинг кўнглиллари тўлсин.



Бошланиши 1-саҳифада.

Тан олиш керак, Марказий Осиё минтақасидаги экологик хавф-хатарлар ва барқарор ривожланиш масалалари сўнгги йилларда глобал ва минтақавий кун тартибининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Сув бундан буён минтақамиз учун ёлғиз иқлим муаммоси эмас, балки хавфсизлик масаласига айланди. Зеро, сувни асрашга ёндашув ёмонлиги оқибатида минтақанинг йиллик йўқотиши 2 миллиард АҚШ долларигача етляпти. Минтақа аҳолисининг сони 2050 йилга бориб 100 миллион кишидан ортади, Марказий Осиёни сув билан таъминлайдиган тоғ музликлари эса охириги 50 йилда учдан бирига эриб кетди. Бунинг устига, иқлим ўзгариши кузатувчилари Марказий Осиё минтақаси дунёнинг бошқа қисмларига нисбатан ҳам кучли қизиқ бораётганидан огоҳлантирмоқдалар. Ерости сувлари қочиши, деҳқончиликка яроқли бўлган ерларнинг саҳролашиши ҳам кузатиляпти, агар вазият шу суръатда давом этса, чорак асрдан сўнг ҳосилдорлик бугунги кунга солиштирганда 40 фоиз тушиб кетиши мумкин.

Сувдан самарасиз фойдаланиш оқибатлари аллақачон глобал миқёс касб этган. Орол денгизи тубидаги туз ҳатто Шимолий кўтдан ҳам топилаётган. Экспертларнинг баҳоларига кўра, 2040 йилга бориб, Орол денгизи ҳавзасида сув ресурслари тақчиллиги деярли икки баробар – йилига 20 миллиард куб метргача ошиши мумкин. Бу ичимлик суви таъминоти, экология, аграр сектор, энергетика ва ижтимоий барқарорлик учун қўшимча хавф-хатарларни юзага келтиради. Бу умумий муаммоларга нисбатан ягона ёндашувни ишлаб чиқиш қанчалик муҳимлигини кўрсатади. Айрим ҳудудларда эскирган инфратузилма ортидан сув йўқотишлари 40–50 фоизгача етди. Сув ва иқлим масалалари экологик муаммо тоифасидан чиқиб, миллий ва минтақавий хавфсизлик масаласига айланди. У иқтисодий ривожланишга, энергетика ва озиқ-овқат барқарорлигига таъсир қилади. Амударё ва Сирдарё ҳавзаларининг оқими 2050 йилга бориб 5–13 фоизгача камайиши мумкин.



ЭКОЛОГИК ДИПЛОМАТИЯ

ёки барчамиз бир оролдамиз

Сув танқислиги ва қишлоқ хўжалиги даромадларининг тушиб кетиши ички иқлим миграциясини келтириб чиқариши, аҳолининг оммавий равишда босим остидаги шаҳарларга кўчишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис минтақа қатъий сув тежаш иқтисодиётига ўтиши зарур. Иқлим ўзгариши фақат сув танқислиги эмас. Бу – ортис бораётган ноаниқликдир. Ойлар ва йиллар олдиндан анъанавий режалаштиришга таяна оладиган давр ортада қолди. Бугун вазият кескин ўзгариб бормоқда. Шу нуқтаи назардан давлатимиз раҳбарининг Остона шаҳрида бўлиб ўтган Минтақавий экологик саммит ва Оролни кўтариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг йилги йиғилишидаги нутқлари ушбу муаммоларга нисбатан янги концептуал ёндашувни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу нутқлар нафақат мавжуд экологик муаммоларни таҳлил этиш, балки уларни ҳал этишнинг аниқ институционал ва стратегик меха-

низмларини тақлиф этиши билан ҳам ажралиб туради. Шу жиҳатдан, Ўзбекистон Экологик саммитда илгари сурилатган "Барқарор келажак учун умумий нигоҳ" концепциясини замонавий экологик сиёсатнинг асосий тамойилларидан бири сифатида қўллаб-қувватламоқда. Бу ёндашув давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, ресурсларни адолатли тақсимлаш ва инновацион технологияларни жорий этиш орқали умумий экологик хавф-хатарларни юмшатишга қаратилган.

Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги экологик ҳамкорлик сўнгги йилларда сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилгани ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Минтақада "яшил кун тартиби", иқлим мослашуви стратегиялари ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган дастурларнинг қабул қилиниши экологик дипломатиянинг институционал асосларини мустаҳкамламоқда. Бу эса ўз навбатида, трансчегаравий экологик муаммоларни биргаликда

ҳал қилиш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Президентимиз томонидан ҳар икки саммитда илгари сурилган ташаббуслар таҳлили шуни кўрсатадики, улар стратегик жиҳатдан чуқур ўйланган ва ўзаро боғлиқ тизимни ташкил этади. Масалан, Экологик саммитдаги нутқда Президентимиз илгари сурган "тоза ҳаво" консорциумини ташкил этиш ташаббуси саноатни модернизация қилиш ва атмосфера ифлосланишини камайтиришга хизмат қилса, чўлланишга қарши кураш марказига минтақавий мақом бериш илмий тадқиқотлар ва мониторингнинг кучайтириш, эрта огоҳлантириш имконини беради. Шунингдек, "Марказий Осиё яшил савдо йўли" ташаббуси экологик стандартларга жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилади.

Шавкат Мирзиёев, шунингдек, халқларимизнинг сувга ҳаёт манбаи сифатида эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиши борасидаги кўп

асрлик анъаналарини қайта тиклаш заруратида алоҳида эътибор қаратди. Унинг фикрича, агар жаҳоннинг сувга бўлган муносабати ўзгармаса, муҳандислик ечимлари қўтилган самарани бермайди. Шу боис, сувдан оқилона фойдаланишни ҳар бир кишининг кундалик одатига айлантириш зарур.

Шунингдек, фермерлар ва саноатчиларни сувни тежовчи замонавий технологиялардан фойдаланишга амалий жиҳатдан ўргатадиган "Келажак суви" минтақавий дастурини ишга тушириш тақлиф этилди.

Афғонистон билан конструктив ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва уни иқлим, экология, қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича минтақавий ҳамкорликка жалб этиш муҳимлиги таъкидланди. Истикболда Орол ҳавзасидаги барча мамлакатлар, шу жумладан, Афғонистоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда сув ресурсларини тақсимлаш бўйича минтақавий шартномавий-ҳуқуқий базани шакллантириш зарур.

Шунингдек, Президент кўшни мамлакатлар етакчиларини шу йил сентябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтадиган Сувни тежаш бўйича бутунжаҳон форумида иштирок этишга яна бир бор тақлиф этди. Бу ташаббуслар Марказий Осиёда сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш ва экологик муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбарининг икки саммитдаги нутқи Марказий Осиёда экологик сиёсатнинг янги ёндашувларини шакллантиришда муҳим стратегик асос бўлиб хизмат қилади. Бу ёндашув замонавий "яшил иқтисодиёт" концепциясининг асосий мазмунини ташкил этади. Агар минтақадаги давлатлар ўзаро ишонч, сиёсий ирода ва институционал ҳамкорликни мустаҳкамласа, Марказий Осиё нафақат экологик барқарорликка эришиши, балки глобал миқёсда рақобатбардош ва инновацион ҳудудга айланиши мумкин.

Шунда азалий мақолларимиз яна жонланади, кексаларимиз яна "Сувдек сероб бўл, болам" деб дуо қилишади.

Иқбол МИРЗО

“Ҳар кимки Машрабга етибдур...”

Бошланиши 1-саҳифада.

– Шоир ҳақида ҳақиқат ва афсоналар қоришиб кетган. Афсуски, бизда реал таржимаи ҳол битиш расм бўлмаган. Борларида ҳам манзара таъриф ва тавсиф бўёғида лойқалангандек кўринади. Мутахассис сифатида унинг биографик характердаги шеърлари ҳақида нима дейсиз? – Адабиётшунос олим Муҳсин Зокиров фикрига кўра, куйидаги мисралар шоирнинг Наманганда яшаган даврининг сўнгги давлари гоётда қийинчилик ва таъқиблар билан утганини очик-равшан ифтоҳлайди. Шуни айтиш жоизки, қиссада келтирилган бу қайдлар шоирнинг ўз шеърларида ҳам акс этган ва биографик характерга эга бўлган иқдорий таъқидлар билан тўла-тўқис қувватланади.

*Наманганда табаррук юрт менга тор ўлди,
Муллолар кутқусидан азиз бошим хор ўлди,
Онам, синалим муштирап парча нонга зор ўлди,
Бўйним эгиб, тиз чўкмоқ, найлай, менга ор ўлди,
Кўринг эмди, ёронлар, кўксим полазор ўлди.*

*Кўфринг ҳаддан ошди деб, хонам елга бердилар,
Тилни кесмоқ жоиз деб аълам фатво қилдилар,
Кўзни ўймоқ жоиз деб, жаллод сари элтдилар,
Санасар этиб сўфилар қоним ерга тўқдилар,
Кўринг эмди, ёронлар, кўксим полазор ўлди.*

Асар мазмунидан англашладиким, шоир турли тазийқ ва таъқиблар туфайли ўз юртини ташлаб кетишга мажбур бўлган. Шоирнинг Наманган ҳокимлари томонидан қувилиши унинг ҳақида халқ орасида кенг тарқалган маноқибларда ҳам ёзилган.

Масалан, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор фондида сақланаётган ривоятларда шундай дейилади: “Шоҳ Машраб Наманганда юрганда ҳеч ким унинг гапни эшитиб олмаган, шеърларига қўлоқ солмаган. Боз устига хурофот ва жаҳолат ботқоғига ботган чаламуллалар шоирнинг илоҳий ишқи моҳиятига етиб бораолмай, шаккоқлик ва гумроҳчиликка айблаб, “ики дунёни тору танг” айлаган”.

Шу тахлит Машрабга ўзи туғилиб ўсган шаҳри торлик қилиб, бу табаррук юртдан бош олиб кетишга мажбур бўлган. Мутафаккир шоирнинг муқаддас Ватан, она юрт, туғилиб ўсган маскан ва унинг қадр-қимматини улуғлаган куйидаги ғазали шундай вужудга келган:

*Намангандин кетар бўлсам, мени йўқлар кишим борму,
Ғариблик шаҳрида ўлсам, мени йўқлар кишим борму?
Қани қавму қариндошим, бу йўлда бўлса йўлдошим,
Кўзимдин оқизиб ёшим, мени йўқлар кишим борму?
Муҳаббат шарбатин ичтим,*

қозондек қайнабон тоштим,

*Бу фоний дунёдин кечтим, мени йўқлар кишим борму?
Тушубдур бошимга савдо, рамузи ишқидин гаёго,
Ўзга айлади шайдо, мени йўқлар кишим борму?
Турарга тоқатим йўқтур, юрарга ҳолатим йўқтур,
Юрарга ишқ ўти чўқтур, мени йўқлар кишим борму?
Қарорим йўқ тураи десам, Намангонда юрай десам,
Жаҳонин сайр этиб кезсам, мени йўқлар кишим борму?
Бу мискин зор Машрабни киши ҳолини билмайдур,
Бу ердин бош олиб кетсам, мени йўқлар кишим борму?*

– Яна ривоятларга мурожаат қилсам, Машраб дастлаб Қашқарга бориб, Офқоқхожага мурид тушади. Йигирма йил хизматини қилиб, турли савдоларни бошдан ўтқариб, сўнг Балхга бориб, Маҳмуд Қатогоннинг қаҳрига учраб, дорга тортилади. Аслида-чи?

– Машраб туғилиб ўсган она шаҳри Намангандан чиқиб, жуда кўплаб шаҳар ва мамлакатларга, Яқин Шарқ давлатларига, Европа, Осиё, Африка қитъаларигача саёҳатда бўлади. Шеърятидан кўплаб мамлакатлар халқларини баҳраманд этди. “Машраби девона” ўз феъл-атворига кўра бир муҳитда муқим турмоғи душвор эди. Шунингдек, унинг туғёли табиятини оддий афқор омма, ўз маъносидидаги фуқаро сиғдирилмасди. Тақдирини азал шoirни дарбадар қилиб яратганди.

Бирма-бир санайдиган бўлсак, у Қашқар, Ёркенг, Хўтан, Урумчи, Турфон, Бадахшон, Балх, Қўндуз, Мозори Шариф, Ҳирот, Андхўй, Бухоро, Ташкент, Чимкент, Самарқанд, Хўқанд, Насаф, Бағдод, Дамашк, Кўнё, Қўддус, Макка, Мадина, Қоҳира, Ҳалаб, Карбало, Кашмир, Исфохон, Машҳад, Шероз, Табриз, Кобул, Шибирғон, Хўжанд каби жамми 87 та давлат ва шаҳарларга борган, бу саёҳатлари давомида ўша ерлардаги азиз-авлиёлар қадамжоларини зиёрат қилган.

Шу маънода, Машрабни – дунёни ДАРБАДАР кезиб, Ҳақни излаган, унинг ишқи билан ёнган шоир, деб атасак, ўйлайманки, хато бўлмайди.

*Дарбадар бўлдум, жаҳонни кўп тамошо айладим,
Ҳеч гулни кўрмадим оламда бўлғай хорсиз.
Машрабо, вақти надоматдур, биродарлар қани?
Истиқомат қилма дунёда пари рухсорсиз.*

– Машраб ижоди тадқиқи билан кўплаб олимларимиз, жумладан, жадид бобомиз Абдурауф Фитрат ҳам шуғулланганини биламиз. Бу тадқиқотларнинг сабаби ва мақсади аён. Лекин ута миллий ва исломий бўлган Машрабнинг ижоди не сабабдан Европа илм ахли диққатини жалб этгани қизиқ. Хусусан, сайёҳ Ҳерман Вамбернинг бу зоти муборакка мурожаат қилиши замирида қандай мудоа бор эди?

– Иқболжон, Вамбернинг ёндашуви илмий таҳлилга асосланмаган. У кишим Европа зиёлиларига Туркистон адабий муҳити тўғрисида маълумот ўрнида тақдим этган шоирларимиз – Навоий ва Бобур қаторида Машрабни ҳам тилга олиб, ижодидан намуналар келтирган. Мутахассисларга хос ўрганиш ва изланиш дастлаб ажнабийлардан Дитрельде Ренн, Бернер Гренер, Иоханнес Аветараннанлар қўл урган бўлса, XIX асрнинг 2-ярмидан А.Хорошхин, В.Наливкин, Н.Веселовский, Н.Пантусов, Н.Ликошин, В.Вяткин, А.Карцев, Л.Дмитриева, Г.Сенсарев, Н.Остроумов, Н.Петровский, В.Беляев, А.Кононов, Н.Миклухо-Маклай, А.Молчанов, М.Салье, А.Семёнов, О.Смирнова, А.Шмидт сингари олимлар машрабшунослик-шарқшунослик фанига улкан ҳисса қўшган. Мана бу ҳақиқий илм эди.

Уларнинг қизиқиши сабабини бир сўз билан изоҳлаб бўлмайди. Маълумки, адабиёт фақатгина сўз санъати бўлмай, мансуб халқнинг феъл-атвори, дунёқароши, ҳиссиёти, қадрияти ҳақида ҳам маълумотномадир. Бу манбани ҳар ким ўз манфаати юзасидан ўрганади. Қолаверса, XVIII асрга келиб, Оврүпо илм-фанда юксак тараққийга эришди ва бизда кўз ўрганиб, кўнгли кўникиб қолган оддий ақддаларгача улар учун тадқиқот манбаига айланди. Дейлик, Машрабни етук нақшбандия тарғиботчиси ҳамда вақили сифатида тариқат объекти сифатида ўрганган олимлар бек бор.

– Фикри ожизмча, шоҳ Машраб ёки халқона айтганда девона Машраб шу қадар халқимиз юрагидан жой олганки, ҳар бир қишлоқ ё овулда, шаҳру кентда кўплаб машрабшуносларни топши мумкин. Нафақат Ўзбекистонда, балки ёндош ва қардош элларда ҳам машрабсевар мухлисларни учратасиз. Болалгимда маҳалламиз аёллари қиссагўйликка йиғилиб, шоир ғазалларини, “Машраби девона” достонини йиғлаб, оханга солиб ўқганларини

кўп эшитганман. Келинг, биз профессионал миллий машрабшунослар ҳақида гаплашайлик.

– Ўлкамизда шоирнинг замондошлари Пирнат Сеторий ва Исҳоқ Богистонийдан бошланган машрабшунослик тобора ривож топиб борганини кўраимиз. Хусусан, Сиз тилга олган Фитрат, Айний, Ғафур Ғулум, Иброҳим Мўминов, Воҳид Зоҳидов, Воҳид Абдуллаев, Азиз Қайюмов, Нажмиддин Комилов, Абдуқодир Ҳайитметов, Ботир Валихўжаев сингари атоқли олим ва адиларимиз, улардан кейин яна ўнлаб тадқиқотчиларимиз Машраб ижодини чуқур ва батафсил ўргангани эътиборлидир.

Ўзим мисолимда айтадиган бўлсам, дастлаб “Машрабнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари” мавзусида номзодлик, сўнгра “Бобороҳим Машраб ва XVII-XVIII асрларда ижтимоий-ахлоқий фикр ривожи” бўйича докторлик диссертацияларини ҳимоя қилдим. Узоқ йиллик меҳнатларим самараси ўлароқ, кўп жилдлик “Машрабни мўътабар ўзум”, шунингдек, мавзуга оид ўнга яқин монография ва қўлланмаларни, республика ва хорижий мамлакатлар журналларида 250 дан кўпроқ илмий-маърифий мақолаларим эълон қилинди.

– Қойил! Ҳафсалангиз ва илҳосингизга тасанно. Бугунги кунда “кўнгли қули – Машраб” ижодига эътибор кўнгилдагидек дея опасимиз?

– Машрабнинг бебаҳо мероси уч ярим асрдан бери бизнинг замониимизга етиб келиб, халқимиз маънавияти юксалишига ва Шарқ фалсафаси ривожига улкан ҳисса қўшиб келмоқда. Шавқ шоири Машраб ҳазратлари ижодига оддий халқнинг ҳурмат ва эҳтироми ҳамшиша баланд бўлган, бугун ҳам бу илҳос даражоти олийдан қуйи энган эмас. Лекин Машрабни юзак биладиган, фақат қўшиқларини эшитган, халқ озаки ижодидидаги тўқималарни асл ҳақиқат деб қабул қиладиган анойи зиёлилар ҳам бор. Европа классицизми ҳақида докторлик диссертацияси ёзаётган бир доцент хатто менга: “Қаландар, дарвеш, девона шоирни бунча кўп эъзозлаб ёзгансиз”, дея эътироз ҳам билдирган.

Нокамтарликка йўйманг-у, мен Жижзах вилояти ёшларини Машрабни энг кўп ўқиган ва ғазалларига ошно бўлган ёшларимиздан деб биламан ва ўзим кўп йиллар Жижзах давлат педагогика университетиде дарс бериб келганим учун талабаларимга Машрабга оид китобларни муттасил тўхфа қилиб келаман.

– Домла, келинг, бўлмаса Наманган давлат университети билан Сизникилар ўртасида машрабхонлик мушоираси ўтказайлик. Бу баҳсдан, ўйлайманки, ҳаммамиз манфаатдор бўламиз.

– Майли, маъқул. Бундан анча йиллар олдин машрабхонлик тадбирида иштирок этиш учун тақлифга биноан Наманган вилоятига бордим. У ерда вилоят телевидениеси ва халқ олдида чиқишим одамларга маъқул тушган, шекилли, шоир ва ёзувчилар билан шахар ҳокимияти олдида турган пайтимизда бир йилгит олдимга келиб, уйига меҳмонга тақлиф қилди. Ёнимдаги шерикларим олдида хижолат тортиб турганимда, у йилгит: “Уйимда иккита катта кўчорим бор, бирини Сиз ва шерикларингиз пойига сўяман”, деб қатъий туриб олди. “Нега?” деган саволимизга: “Наманганнинг улуг фарзанди Машраб учун ҳар бир хонадон Сизни меҳмон қилса арзийди”, дея жавоб берди. Кўзимга ёш келди. Вақт тиғзлигини айтиб, узр сўрадик. Мана, оддий ҳунарманд йилгитнинг Машрабга ҳурмат-эҳтироми. Наманган ахли Машрабни шундай эъзозлайди.

Аваллари Машрабнинг таваллуд байрамлари Наманган шаҳрида юқори савияда ўтказилганини яхши эслаймиз. Наҳорда элга ош тарқатилар, улуг аждодимиз руҳига дуою фотиҳалар, сўнг шоир ғазалларидан намуналар ўқиларди. Майдонда кенг ҳажмда китоб кўргазмалари бўларди. Ташкентдан машҳур актёр ва хонандалар тақлиф этиларди. Машраб иж-

ди чин дилдан ёдга олиниб, чуқур ва кенг миқёсда ўрганилар, тарғиб этиларди. Байрам тадбири боис шеърят нашидаси, демак, инсоний эзгу туйғуллар қалбларга муҳрланарди. Корхона-ташкilotлар раҳбарлари Машраб ҳайкали пойига ҳашамдор гулчамбарлар қўйиб, ҳурмат бажо келтиришарди.

Бугун вилоят раҳбарияти, мутасадди шахслар Машраб ижодига нисбатан эътибор сусайиб бораётгандай назаримда. Сўнгги йилларда Машрабнинг таваллуд саналари билан боғлиқ тадбирлар савиясини кўзатган киши бунга ўзи ҳам амин бўлиши мумкин.



– Домла, Машраб нафақат бир вилоят, балки бутун туркий дунё шоири. Мен наманганликларнинг шоир номи билан нақадар фахрланамиз, ёдаки билишини кўп бора кузатганман. Эҳтимол, ҳозирги Сиз айтган ҳолат катта тантана, кенг қамровли машрабхонлик арафасидаги таррадуддир.

Фанга қайтамиз. Сиз бир йўла фаннинг уч йўналиши – фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича докторлик диссертацияларини ёқлагансиз. Бу шунчаки қизиқиш ё статистика учунмасдир?

– Ҳа, болалгимдан илм йўлига ҳавас билан қараганман. Худо хоҳласа, яна иккита ҳимоядан сўнг Гиннеснинг рекордлар китобига ҳам кирсам керак. Спортчи ўз соҳасида оғир вазифани бажаргани каби олим ҳам фанда ўз оғир вазифасини бажаради. Менинг шoirим: қийин ишни қийин деб ташлаб кетиш эмас, уни уйдлашга эришмоқ жоиз. Бу машаққатли ва риёзатли ишга, албатта, тинимсиз меҳнат билан эришилади. Ҳар бир илмий ишмида бугунги кунда мамлакатимизда илм-фанга қаратилган юксак эътибордан куч-қувват оламан.

Академик Неъматилла Иброҳимовнинг фикрича, биргина Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида тўпланган аждодларимиз меросини ўрганиш учун уч юз олтин йил зарур бўлар экан. Қаранг, биз қандай бебаҳо мерос ворисларимиз!

Ҳақиқатан Президентимизнинг ташаббуси билан пойтахтимизда очилган Ислам цивилизациясини марказининг маҳобати ва салобатини кўриб, биз қанчалар буюк ишларга, мўъжизаларга қодир халқ эканимига яна бир бор имон келтирдим. Мен мана шундай мустаҳкам тарихий илдиэларига эга халқ жаҳонда илм-фан соҳасида, албатта, ўз сўзини айтишига, юртимиздан ҳали кўплаб буюк олимлар, Нобель мукофоти соҳиблари етишиб чиқишига ишонаман!

– Барчамиз мана шу ишончада собит эканимизни таъкидлаган ҳолда, бугунги мазмунли суҳбат учун Сизга раҳмат айтамыз, домла. Илмий-ижодий ишларингизга муваффақият тилаймиз!

И.МИРЗААЛИЕВ суҳбатлашди.




ЯНГИ НАШР

МУЛОҲАЗА

“...абёт гул, ашъор гул”

КУЙГА ЖОН БАҒИШЛАГАН МУХАММАС

Қайси фалак буржининг меҳри
пуранворисен,
Қайси садаф дуржининг гавҳари
шаҳворисен,
Қайси Хўтан оҳусин нофаи тоторисен,
Қайси чаманзорнинг лоллаи гулнорисен,
Сўйла менга, эй санам,
кимни севар ёрисен?



Комил Хоразмий шу байт асосида тазмин ўлароқ етти бандли мусаддас битиши ва ҳар банд якунида буюк мутафаккир ўғити таржеъ – такрор келишида ҳам янгилик кўринади:

Эй нафсу ҳаво амрига маъмуру-л ҳол,
Кўнглунг аро жойдир афзор маҳол,
Жамъ айламак истабон
ўқуш мол-у манол,
Кўраузма ҳар ишда зинҳор истъожол,
Ҳар кимсаки айласа ошқумасни хаёл,
Яфроғни ипак қилур, чечак баргини бол.

Хоразмий шеърлари, юқорида айтганимиздек, аввало, оҳандорлиги билан ажралиб туриши рост. Жумладан, “Девон” да “Эй рашки пари, шамъинга парвона бўлбуман”, “Қолиб аҳбобдин танҳозор зур ўлғонга йиғларман”, “Агар ул сарви озодимга эрмассен қул, эй кумри”, “Токи меҳринг жисми вайронимда-дур жон, эй пари” сингари ичигади оҳанги яққол ўйноқлаб кўришиб турган ўнлаб ғазаллар борки, ўз бастакор ва ҳофизларини қутаётганга ўхшайди.

ХЎШ, КОМИЛ ХОРАЗМИЙ КИМ ҲАМ?

Комил Хоразмий номини кўпчилик асосан “Лазги” сўзининг муаллифи сифатида билиши мумкин. Унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳамма ҳам тўлиқ маълумотга эга эмас. “Jadid” газетасининг 2026 йил 20 февраль сонида эълон қилинган Рўзимбой Ҳасаниннинг “Комил Хоразмий ким эди?” номли мақола-сидан маълум бўлишича, унинг асл исми-шарифи Паҳлавон Ниёз Мухаммад, Комил Хоразмий эса тахаллусидир. 1825 йили Хивада мударрис Абдулла оҳун оиласида туғилган. Отасидан араб ва форс тилларини, Хивада асирликда яшаётган аскарлардан рус тилини ўрганган. У шоир сифатида ўз даврида гоятда машҳур бўлиш билан бирга, ҳаттолик ва мусиқа санъатида ҳам юксак иқтидорга эга бўлган. Шу боис, 31 ёшида Хива ҳукмдори Саид Мухаммад уни саройга айнан ҳаттолик вазифасига таъин қилган. Ҳу иқтидорли билан мирзабошиликка, сўнгра саройда бош вазирдан кейин турувчи энг юқори мансаб – девонбеги лавозимига тайинланган, ҳонликнинг барча ҳужжатлари ва иқтисодий қирим-чикимлари айнан девонбеги томонидан юритилган.

У реал вазиятдан келиб чиқиб сулҳпарвар сиёсат юритган, хусусан, қилч-қалқон, чўқмор, пилта милтиқ каби ибтидоий яроқлар билан қуролланган ҳонлик лашкари 1873 йилнинг баҳорида замонавий қуроллар билан уч томондан бостириб келган чор ҳукумати қўшинига қарши тура олмаслиги, оқибатда юрт вайрон бўлишини англаган ҳолда, сулҳ тарафдори сифатида майдонга чиққан, “Гандимиён шартномаси” матнини рус ва ўзбек тилларида айнан Паҳлавон Ниёз Мухаммад ёзган.

Комил Хоразмий жаҳид ҳаракатига қўшилган, Исламхўжа ва бошқа ҳоҳалик жаҳидлар билан яқин алоқада бўлган, Хивада илк янги мактабни ҳам айнан у очган, мактаб ўқувчилари қисқа вақтда юздан ошган. Мухаммад Раҳимхон соний билан Петербургда бориб қайтган, Туркистонда илк тошбосма Хивада ташкил қилинишига бош-қош бўлган. “Танбурук чизиқлари” номли ўзбек нота ёзувини иxtиро қилиши Комил Хоразмийнинг миллий мусиқа санъатимиздаги буюк хизматларидандир.

Дарвоқе, биз мухтасар келтирган бу каби қизиқарли маълумотлар “Девон”да учрамайди. Шу боис, китоб мутлоасига киришаётган адабиёт мухлисарига газетамизнинг доимий муаллифи Рўзимбой Ҳасаниннинг ушбу мақоласини қўшиб ўқишни тавсия этамиз.

Икром ИСКАНДАР

СОХТА КИТОБХОНЛИК



Йигирма йиллар олдин қишлоқлардаги кутубхоналар коллежлар ихтиёрига ўтказилди. Аҳоли адади ўн беш мингга етган қишлоғимизнинг “шўро идораси” номини олган кўримсизгина биносининг торгина хонасида жойлашган кутубхонада ўн мингдан ортиқ китоб бўларди.

Бутун умри ушбу кутубхонада мудира бўлиб, нафақага чиққан опам “Кутубхона фондидаги китобларнинг бир қисмини макулатурага топширар эмишлар. Бориб кўр, кераклари бўлса оларсан”, деб қолди.

Бордим, кўрдим ва... макулатурага топширилётган икки мингга яқин китоб орасидан фақат бештасини танладим. Таниш масъул уста-уст уйиб кўйилган китобларни бирма-бир кўздан кечираётганимни кўриб “Барибир топширамиз, керагича олинг!” деган бўлса-да, нега фақат бештасини олдим?

“Совет халқи дунёдаги энг китобхон халқ” деган ибора ўтган асрнинг етмишинчи йилларида муомалага кирган. Бу дабдабали ибора шiorга айланб, деярли барча кутубхоналар пештоқларида ўқловдек ҳарфлар билан ёзиб қўйиларди.

Аслида, бу алқовнинг пойдевори “Барча соҳаларда Американи қувиб ўтамыз!” шiorини давлат дастурига айлантирган Никита Хрущев замонида қўйилди. Шўро давлати ташкил топганининг қирқ йиллиги катта тантаналар билан нишонланган даврда чоп қилинаётган китобларнинг адади энг кўпи билан қирқ минг-эллик минг бўлган. Энг оммабоплари ундан сал кўпроқ, Иккинчи Жаҳон уруши даврида “аскарларнинг ватанпарварлик руҳини кўтариш” мақсадида яратилган аскарлар адади ҳам олти рақамга етмаган. Константин Симоновнинг “Мени кутгил” шеъри қирган шапалоқдек тўплами бор-йўғи эллик минг нусхада чоп қилинган.

Юз, юз эллик, икки юз минглик тиражда китоблар чоп қилишга ўтган асрнинг етмишинчи йилларида роса зўр берилди бошланган. Ҳатто тез тарқаб кетган янги асарни кетма-кет қайта чоп қилиш тажрибаси ҳам шу даврда синовдан ўтказилди.

Аҳоли сони икки юз эллик миллион кишига етган мамлакатда таниқли бир адибнинг китоби юз минг нусхада чоп қилиниши ва китоб дўконларида узоқ вақт чанг босиб ётмаслиги “совет халқи дунёда энг китобхон халқ” дейиш учун асос бўлармиди?

Умуман олганда совет замонида сон ва сифат уйғунлиги қай даражада эди? Китоблар ўқувчи қизиқиши ва дидига мосмиди ёки ўқувчи дидини мажбурлан чоп қилинаётган сон-саноксиз китобларга мослашга мажбурмиди?

Саволни шу тарзда қўйган маъқул. 1971 йили институтга кириш имтиҳонидан йиқилган Гулсара опам қишлоқ кутубхонасига мудира бўлди. Ўша вақтда бутун қишлоқда кутубхоначилик мутахассислигига ўқиган бирорта одам бўлмаган (опам кейинчалик шу соҳа бўйича сиртдан ўқиди).

Ҳар ой адоғида қишлоқда “китобхонлар сони ошиши”да опамга яқин қўлмақчи бўлардик. Опам келтирган бир даста “кутубхонага аъзолик дафтarchаси”га умрида кутубхона оstonасини ҳатлаб ўтмаган кишилар ой давомида қайси китобларни “ўқиганини” қайд қилардик. Эсимда, амакимизнинг аёли – етмишдан ўтган Турсун момо ёки элатимиз бригадирга Эгам ака ва бошқа ўнлаб кишиларнинг “аъзолик дафтarchаси”ни тўлдириб бориш менинг зиммамда эди. Опамнинг кўрсатмаси бўйича Турсун момо ҳар ойда Лениннинг танланган асарларининг қамда икки томини “ўқиб чиққан” бўлиши, бундан ташқари рус классикларининг бирор асарини ҳам мутлола қилиши шарт эди. Турсун момо умрида воҳадан ташқари чиқмаган, яна болаллиги “юрт бузилган давр”ларга тўғри келганидан мактаб кўрмаган, пенсиясини олгани ҳақида рўйхатга “+” белгисини қўйишни аранг ўрганганди. Рус тилида бирорта сўзни билмаган кампир шу тахлит йил давомида рус классикларининг ўнлаб асарларини “ўқир”, Ленин ва Маркс асарларини “хатм” қиларди.

Ва яна марксизм классикларини мажбуран “мутлола қилиш”га мажбурлар – талабалар қатлами ҳам бор эдики, улар барча ОУЮ (олий ўқув юрти)да ўқитилган “Илмий коммунизм” фанидан имтиҳон топшириш учун йилда бир бора ўша том-том асарларни varaқлашарди. Бу varaқлаш керак мақоладан керак иқтибосни қўйиб олиш ва ёдлаш билан ниҳоясига етарди. Шундан келиб чиқиб, қанча талаба бўлса, барчаси ўқиш даврида Ленин ва бошқа дохйилар асарларини “такрор ва такрор ўқиганлар” рўйхатидан жой олишарди.

Тўғри, ўша даврларда кутубхонага аъзо бўлганлар сони оз эмасди. Уларнинг аксари зиёлилар, мактаб ўқувчилари бўлиб, улар кўпроқ ўзбек адибларининг янги чиққан китобларини ўқишарди. Ҳатто айрим янги чоп қилинган роман ёки қиссаларни навбат билан ўқишган. Аммо...

Тепадаги масъуллар фақат танланганлар – ўқишга ҳавасмандларига эмас, “барча совет халқи китобхон бўлиши шарт”лигини талаб қилишгани учун ой адоғида бизлар тунда шиша чироқ ёруғида мўжза тушиб, “аъзолик дафтarchа”ларини янгидан янги ёзувлар билан тўлдирар, бу ёқда мактабдан уйга берилган вазифалар қолиб кетарди. Опам ҳар ойда “фалон киши фалонча китоб ўқиши кераклиги” ҳақида эшқоридан берилган режани бажармас танбёҳ эшиттар, бу кўрсат-

кич ҳар ойда юқорилаб бормаса, ҳатто ишдан бўшатилиши ҳам мумкин эди-да.

Бўш вақтлари опам мудира бўлган кутубхонага борганимда жавонларда терибли турган бир хил рангли муқовали Лениннинг 55 томлиги опам учун қўшимча ташвиш эканини кўрганман. Чунки уларни ҳар ҳафтада яхшилаб артиш – чангдан тозалаш талаб қилинади. Бу китобларни varaқлаш у ёқда турсин, қўлига олиб кўрадиган одамнинг ўзи бўлмаган. Фақат “аъзолик дафтarchа”ларида шўро дохйиси асарлари “қўлма-қўл бўлиб ўқиларди”, холос.

Ўша даврда амалда бўлган тартиб бўйича Москва нашриётларида чоп қилинадиган рус ва бошқа миллатлар ёзувчиларнинг китоблари барча кутубхоналарга тақсимланарди. Қишлоқда рус тилини биладиган одамлар санокли бўлгани сабаб бу асарларни ҳам бизлар ой адоғида “китобхонларга мажбуран ўқитиш” мажбуриятида қолардик. Опам айтишича, ўзбек тилидаги китоблардан кўра рус тилида чоп қилинган китобларни кўпроқ “ўқитиш” бўйича топшириқлар берилган.

Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида шўро давлатида ўз мингга яқин кутубхона фаолият юритган. Бу – ўша юз минг ададда чоп қилинадиган китобларнинг аксар қисми кутубхоналарга тақсимланади, яъни жавонда чанг босишга мажбурлигини англайди. Энди тасаввур қилинг, кemasозлик ёки ўрмон хўжалиги мутахассисларига тавсия сифатида чоп қилинган илмий китобларни узоқ Хоразмнинг чекка қишлоғи у ёқда турсин, марказда яшайдиган бирорта одамга зарурати борми? Воҳада ўрмон бўлмаса, кемачилик темир йўл келиши билан тарих мулкига айланиб кетган бўлса. “Разнарядка” – тақсимлаш деган амалиёт бўйича шу тахлит кераксиз адабиётлар барча кутубхоналарга тарқатилгани бир ёқ, уларни ҳеч ким ўқимаслигидан бечора кутубхоначилар қўшиб ёзишдек ноқонуний ишга мажбурлангани бир ёқ.

Тўрт йил – токи ҳарбийга кетганимча опамга қишлоғимиз “фаол китобхонга” айланишида ёрдам берганман. Кейинчалик бу ишни синглим ва укам давом эттиришар...

1972 йилда опам мудира бўлган кутубхонада қайта ҳисобга олиш ўтказилганида чиқитта чиқарилган икки юзта китобни аравага оқлаб уйга келтирганимиз. Булар Сталиннинг танланган асарлари, Хрущевнинг бир талай китоблари, Мичурин ва бошқа совет олимларининг илмий асарлари эди. Бунга ўхшаган “мажбурий макулатурага топшириш” шўро давлатида дохйилар алмашган даврларда тез-тез ўтказилиб турилган. (Олдинлари “халқ душмани” деб топилган адиблар ва шўро сиёсатдонлари китоблари ёқиб юборилгани ҳам бор).

1980 йилда коммунизм қураими деб дам урган сиёсатдонлар иқтисодий соҳалар қаторида мафкуравий тизимларда ҳам сохтагарчиликлар, қўшиб ёзишларни энг чўққисига чиқаришган. 1980 йилга доир расмий маълумотларда “ҳар бир совет кишиси бошига йил давомида 21 дона китоб чоп қилинди”, “ҳар бир совет китобхони йил давомида 46 дона китоб мутлола қилди” каби ёзувларга қўшимча тушади. 1970 йилда “дохйи”нинг бир асрлик мавлудини жуда дабдаба билан нишонлашади. “Доҳий” юбилейига атаб унинг танланган асарлари қайта чоп қилинади. Бундан ташқари, айрим асарлари алоҳида ҳолда, мактаб ўқувчиларига мўлжалланган “кичик асарлари” ҳам миллион ададларда нашр қилиниб, барча кутубхоналар жавонларини “безайди”. Кутубхоналар ўртасида “дохйи асарлари энг кўп ўқилгани бўйича” танлов ҳам ўтказилди. Тунлари чироқ ёруғида қўзимиз толиб, уйку элитгани, чарчаганимиздан айтилган режани бажара олмаганимиздан опам мудира бўлган кутубхона бу танловда голиблар қаторида эътироф этилмади. Турсун момо, Эгам ака ва бошқа “фаол китобхонлар” йил давомида “дохйи” асарларини атиги бир неча марта “мутлола қилишга” вақт топшиди, холос.

Шўро “дохйи”си мавлуди арафасида берилган топшириқ – унинг асарларини “кўпроқ ўқиш мусобақаси” токи СССР тарқаб кетганича давом қилган. Яъни, китобхонлик кўрсаткичида қўшиб ёзишлар осмонга ўрлаб бораверган.

Сон ва сифат ҳақида айтгандик. Тўғри, собиқ шўро давлатида матбаа ниҳоятда ривожланганди. Партия муассислик қиладиган вақтли нашрлар адади миллионларда акс етарди. Даврийлиги ҳам шунга мос – ҳатто ҳар кун чоп қилинадиган вақтли нашрлар бор эди. Моқвада чоп қилинадиган вақтли нашрлар шу кунгича энг чекка қишлоқларга чекка ёқиб берилади. Ўша вақтда қайси идорага борман қабулхонада даста-даста газеталар турганига қўзимиз тушарди. Босмахона бўёғи анқиб турадиган бу газеталарни “ўқиш” уни varaқлаб, суратларини кўздан кечириб олиш билан поёнига етарди.

Вақтли нашрлар, керак-кераксиз китоб ва рисоалар чоп қилиш йилдан йилга ўсиб бориши ортдан “макулатура” деган хизмат ҳам пайдо бўлди. “Ўқиб чиқилган” газета-журнал ва китобларни давомий тарзда макулатурага топшириш аввалида ихтиёрий бўлса, кейинчалик мажбурий тус олди. Ҳатто ҳар бир идора-ташкilot ва мактабларга ҳар ойда қанча макулатура топшириш режаси берилди. Бир кун “яшайдиган” газеталарни қўя турайлик, ўша макулатуралар орасида китоблар ҳам бўлгани ачинарли ҳолат эди.

Эсимда, ўтган асрнинг саксонинчи йиллари макулатурага топширилган газета-журналларга янги

чиққан, камёб китобларни бериш амалиёти йўлга қўйилди. Масалан, йигирма килограмм қоғоз топширсангиз, Александр Дюманнинг “Уч мушкетёр” романини навбатсиз олишингиз мумкин бўларди. Фаранг адибининг машҳур асарини қўлга киритиш учун энг фаол китобхўр бисотидаги китоблардан камда ўн донасини (мажбурий-ихтиёрий обуна қилинганидан тўпланган газета-журналларни ҳам қўшиб) макулатурага топшириш мажбуриятида қоларди. Ҳалати эмасми?

Бу аслида талаб катта бўлган машҳур ёзувчилар асарларини камроқ нусхада чоп қилиб, одамлар қўлида тўпланиб қолган кераксиз қоғозларни (газета-журнал, китоблар) йиғиштириб олиш, эвазига ўша китобларни бериш орқали бир ўқ билан икки қуёنни уриш усули. Ҳам қоғоз фабрикалари қўшимча арзон хомашёлик бўлади, ҳам камёб асарларни бир неча бараварига сотиш орқали нашриётлар даромад топишади. Аслида, тамомам теккариси – талаб катта бўлган асарларни кўпроқ чоп қилиш керак эмасми?

Токи совет давлати тарқаб кетганича санокли русумдаги атоуловлар дўконларда бемалол сотилмас, балки райқўм бюроси қарори билан гўёки “илгорларга муқофот” тарикасида бериларди. Ҳалол ишлаб топган пулинга энгил машина олиш учун идора-ташкilotларда зундан узун навбат рўйхати шакллантирилди, қўпчилигининг навбати пенсияга чиққунича ҳам етиб келмасди. Вилоятдаги ташкilotда муҳандис бўлиб ишлайдиган амаким ишга қатнаш учун энгил улов олишга беш йилча навбатда турди. Аммо навбатнинг охири кўринмайди... Бир кун қувониб келдилар: “Жигули” машинасини навбатсиз олиш учун олти юз килограмм макулатура топширсам беришарми? Амаким билан икки тумандаги китоб дўконларини айланиб, икки мингдан ортиқ китоб олдик. (Макулатурага топшириладиган китоблар орасида совет дохйилари асарлари бўлмаслиги керак экан. Агар шу талаб бўлмаганида қалин-қалин китобларни арзонгина олган бўлардик). Қисқаси, амаким бир минг етти оз сўмлик китоб олиб, макулатурага топширди ва янги машина эгасига айланди.

Қизғини, темир матоҳ эгаси бўлиш учун икки минг китобни чиқитга чиқаришга рухсат берилгани.

Янада қизғини, ўша даврда кўпчилик ўзини зиёли қатлами вақили дейишлари учун уйда албатта китоб жавони сақлар ва янги чиққан китобларни мажбуран харид қиларди. Айнан жавонда терибли турадиган китоблар қўзимизни қувонтириши, яъни чиройли беаз ўрнини босиши учун нашриётлар рус ва бошқа миллатлар классик ёзувчилари танланган асарлари муқовасини турли рангларда чоп қилишган. Китобга ўқиш учун эмас, беаз ўрнини босувчи матоҳ деб қаралган.

1990 йил ёзи адоғида Болқонбўйи давлатларига сайёб бўлиб борганимизда ерлик аҳолининг (серблар, македонлар, турклар, хорват ва бошқа миллатлар) китобга муносабати билан қизиқдим. Мамлакат пойтахти Белграддаги “Астория” меҳмонхонасида уч кеча қўноқ бўлганимизда хизматчилардан шаҳардаги бирорта кутубхона манзилни суриштирдим. У китобга қизиқишимни сезиб, меҳмонхона кутубхонасига олиб тушди. Кутубхона етти қаватли меҳмонхонанинг биринчи қаватида, жуда шинам хоналарда жойлашган экан. Меҳмонхонада ёзувчилар китоблардан фойдаланиши тартиби оддий: сиз китобни маълум муддатга олмасиз, кетар вақтида топширасиз. Кетиш олдида кутубхона масъулидан “Олган китобларини топширди ёки хизматимиздан фойдаланмади” мазмунида бир парча қоғоз келтиришингиз шарт.

Гарчи тилини тушунмасак-да, матбаачиликнинг сифати, китоблар муқоваланиши даражасини билиш учун беш-олтита китоб олиб, varaқлаб кўрдик ва матбаа Европада қай даражада тараққий этганига ғувоҳ бўлдик. Эътиборлиси, гарчи давлат атамасида “социализм” сўзи мавжуд бўлса-да, кутубхонада илмий коммунизм дохйиларининг асарлари қўзга ташланмайдиган жойда – чеккароқдаги бир жавонда териб қўйилганди. Расталарни кўздан кечириб, бу ерда жаҳон классиклари асарлари ниҳоятда қўпчилиги эътиборимизни тортди.

Буларни кўриб ўша даврда... собиқ иттифоқда ўша классиклар асарларини қўлга киритиш учун қоп-қоп макулатура кўтарганча навбатда туриб, топширган миқдорга мос бир парча қоғоз – талончи олиб, севинганидан теллагини осмонга отаётган ҳақиқий китобхонларга... энг ёмони, тунлари “бутун халқни китобхонга айлантириш учун” сохта қоғозлар тўлдирилган мажбуран кутубхона ходимларига ичимиз ачиди...

Рўзимбой ҲАСАН



ОЛАМ ОЛИМИ



Фаровонлик ва фан

2024 йил иқтисодийёт бўйича Нобель мукофоти “ижтимоий институтлар қандай шаклланиши ва фаровонликка таъсир қилишини ўргангани учун” бир йўла уч олимга топширилган. Булар – Дарон Ажемоғлу, Саймон Жонсон ва Жеймс Робинсон. Улар нега баъзи давлатлар ривожланиб, бошқалари ортда қолиб кетишини янги моделлар асосида тушунтириб берди.

ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ

Лауреатларнинг асосий ҳиссаси сиёсий ва иқтисодий институтлар ўртасидаги боғлиқлик ва уларнинг халқ фаровонлигига таъсирини тадқиқ этиш бўлди. Улар мамлакатларнинг ривожланиши барча учун тенг имконият эшигини очадиган инклюзив институтларга боғлиқ эканлигини кўрсатди.

Олимлар мустамлакачилик ва сиёсий ўзгаришларнинг даврлар кесимидаги оқибатларини ўрганиб, фақат айрим гуруҳ манфаатлари учун ташкил этилган институтлар охир-оқибат фақирликка олиб келиши мумкинлигини аниқлади.

АҲАМИЯТИ

Тадқиқотларнинг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, мустамлакачилик даври институтларнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Иқтисодчилар хулосасига кўра, мазлумлик замонида ресурсларни ўзлаштиришни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган институтлар айрим ҳолларда давлат мустақилликка эришганидан кейин ҳам сақланиб қолган. Бу ўша ўлкаларнинг иқтисодий кўрсаткичлари ўсишига тўсқинлик қилиб, жаҳон майдонида тенгсизликка сабаб бўлган.

Эътиборли жиҳати, улар иқтисодий ва сиёсий институтлар ўртасидаги боғлиқликни кўрсатиб берди. Инклюзив сиёсий институтлар инклюзив иқтисодий институтлар учун пойдевор ҳозирлайди. Бу эса барқарор тарққиётга асос бўлади. Улар экстрактив институтлардан инклюзив институтларга ўтиш мумкинлигини ҳам истисно этмайди. Бироқ бу жараён катта куч ва сиёсий иродани талаб қилишини таъкидлашган.

ФАОЛИЯТИ

Дарон Ажемоғлу Истанбулда туғилган, Лондонда таълим олган ва ҳозирда Массачусетс технология институтида (MIT) ишлайди. Саймон Жонсон британиялик, у ҳам MITда дарс беради ва тадқиқотлар олиб боради. Жеймс Робинсон Чикаго университети профессори. Унинг йўналиши сиёсий низола ва давлатчилик ривожланишига оид тадқиқотлардир.

Ажемоғлу ва Робинсон “Нега баъзи мамлакатлар бой, бошқалари эса қашшоқ?” китоби орқали дунёга танилган.

ЕЧИМ

Иқтисодчиларнинг тадқиқотлари ва хулосалари мамлакатларнинг фаровонлигига ва барча аҳоли қатламлари учун тенг имкониятлар яратишга институционал ислохотлар қандай ёрдам бериши ҳақида қимматли тушунчалар беради.

Уларнинг тадқиқотлари камбағалликдан чиқиш йўлига қадам қўйган ва йўл бошида турган мамлакатлар учун муҳимдир. Олимлар коррупцияга қарши курашиш, давлат бошқарувининг шаффофлигини ошириш ва фуқароларнинг сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш инклюзив институтлар яратишининг асосий элементлари эканини қайта-қайта таъкидлайди.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида Иқтисодий фанлар бўйича мукофот кўмитаси раиси Якоб Свенссоннинг изоҳини келтирамиз: “Мамлакатлар ўртасидаги даромадлар фарқини камайитириш бизнинг давримизнинг энг катта муаммоларидан биридир. Лауреатлар бунга эришиш учун ижтимоий институтларнинг муҳимлигини намойиш этдилар”.

Жасмина ИСРОИЛ тайёрлади.

“БАХТСИЗ КУЁВ” дан 100 йиллик сабоқ



Бошланиши 1-саҳифада.

Муаллиф 1915 йилда ёзилган пьесани “Туркистон маишатида олинган тўрт пардалик фожия” дея изоҳлайди. Унда “куяв бўладурган 25 яшар йигит” Солиҳ марҳум дадасининг акаси – Абдурахим амакисининг таклиф ва тавсияси, аммо зинҳор кўмаги билан эмас, Файзибойнинг Раҳима исмли 16 яшар қизига уйланади. Драмада, шунингдек, домла-имом, элликбоши ва бой образлари ҳам бор. Бир илҳам тўй учун “уч сўм пул, бир калла қанд ва битта мулла” кифоя қилгани каби, Туркистон аҳли маишатидаги фожияни саҳнада кўрсатиш учун Абдулла Қодирийга шу етти киши етарли бўлган.

Бир бойнинг уйида хизматкорлик қилиб мойнасидадан уч юз сўмга яқин маблағ йигиб қўйган Солиҳда орзу-ҳавас йўқ эди, дейсизми? Ахир, отанасидан болалигида жудо бўлган йигит ҳам яхши кунлар кўрсам, елкамга офтоб, кўксимга шамол тегса, дейди. Ана шу яхши кунларнинг бири сифатида, таассуфки, ўз никоҳ тўйини тасаввур қила олмайди. Чунки тўй, турли оилавий маросимлар билан боғлиқ муаммолар, исрофгарчилик ва дилхиралликлар ҳамма вақт асосий муаммо бўлиб келгани ҳолда, бу Солиҳ яшаган, Абдулла Қодирий ўз замонидан хикоя қилган давр учун ҳам тааллуқли эди. Бахтга қарши Солиҳнинг Абдурахим амакисидек яқин қариндоши, беминнат маслаҳатгўйи бор. Амакининг тор дунёқараши, одамларнинг гапига қараб иш қилиши, албатта, ҳаддан зиёда орзу-ҳавасга берилиши Солиҳни бахтсиз куёвга айлантиради.

“Замонамизда ёмон бидъат, исрофлар тараққий топкан, унча-унча оқчага бу вақтда уйланмак қийин”, дея амакисининг уйланиш ва катта тўй қилиш ҳақидаги маслаҳатига асосли эътирозини зорланиб айтган Солиҳ, муаллиф таъбирича, қарздор-абгор, яъни қарзни қайтаролмайдиган қарздорга айланиб қолишидан хавфсирар эди. Амаки эса жияни қўрқоқликда айблаб, “ҳозирги замонда қайси бир йигит қарздор бўлмай уйланыпти”, дея эътирозга эътироз билдиради. Мана шундай вазиятда ўзбек халқининг “Қарз узи-лар, хотин ёнга қолар” деган нақлини уйлаб топганлардан ранжийди киши.

Кейинги воқеалар Файзибойнинг меҳмонхонасида бўлиб ўтади. Бўлажак келиннинг ота уйидаги воқеа совчилик билан бошланиб, тўй маслаҳатига уланади. Маслаҳат маҳали Файзибой Абдурахим ҳамда домла-имомни ўз томонига оғдириб, бўлиб ўтажак тўй базмини асъасою дабдаба билан ўтказишни режа қилиб, оёқ тираб туриб олса, янги фикр соҳиб бўлган элликбоши: “Совчигарчилик олуг-солуги сўйлашилмаса, чунки куёв бўлмиш йигит ўзиниғизга маълум, етим, ҳам камбағал. Яна олуг-солуг шарийъатда йўқ гап. Олуг-солуг қилinsa, куёвдан қўб оқча олинса, қарздор бўлуб қолса, яхши эмас, дейман. Керакли нарсаларга озорқина оқча олуб, никоҳлаб берсанеиз, шарийъатдаги иш бўлуб эди”, дея камхарж тўй маслаҳатини пиширишга уринади.

Домла-имом эса “ҳар икки тўйда беш юз сўм пул, ўн беш кўй, бир от, тўрт ботмон бугдой, тўрт ботмон бринч, кажаванда майиз, туршак, ўн яшук ҳар хил қанд ва ширинлик, йегирма куюм ҳовла, уч минг донна катта нон, қозонда нишолда, қизларига ўн бош-оёқ кийим, кимҳоб, духоба, шоҳи, атлас, мовут, чидоған, чит ва бошқалар; ҳар бирдан қўйлак, камзул ва мазкурларга лойиқ қимматбаҳо рўмоллар, яна уч донна паранжи шоҳи, духоба, адрас, уч донна кавуш-махси, қавм-қариндошларига, ўзларига, заифаларига бош-оёқ кийим”, дея ўз таъбирича “осонроқ” ечимни айтади.

“Ҳар кимдан қарздор бўлуб тур-ру, қўлларидидаги бировнинг оқчасини тўй-томошага исроф қилиб, пулдорни пулини топиб беролмай, синиб, мулк-ашёдан ажралуб ётканларини кўрмадинеизми? Уларнинг тўйини тўй демана, охири аза-ку, тақсир”, деб зорланган элликбошининг сўзлари ҳавода қолади. Даврадагиларнинг ҳеч бири қулоғига илмайди. Алалоқибат, тўй шариатни ёқпаган домла-имом ва замона зайлини пеш қилган Файзибойнинг истагига мувофиқ “тахминан бир минг беш юз сўм” атрофидаги харж билан ўтказилади. Бу тўй учун Солиҳ Бойдан тўққиз юз сўм қарз олади. Шу шарт биланки, “аввал тўққиз юз сўмга бир юз сўм ижара қўшуб бериб, бир минг сўмга ҳам вексил беради, ҳам ҳовли ва ҳовлидаги ҳамма нарсаларни натариусдан гаров (залўқ)

қилуб” бериш шартига ҳам ноилож рози бўлади.

Тўртинчи пардада асл фожия содир бўлади. Никоҳдан сўнг ҳаётининг асал ойини ўтказиши лозим бўлган янги куёв-келин – Солиҳ ва Раҳима қарз балоси гирдобиде умрининг боши берк кўчасида маҳзун ўтирадилар. Бу қоронғи кўчада эса Солиҳнинг кўзига ўлим нажот нуридек кўринади. Эридан жудалиқни кўтара олмаслигига кўзи етган Раҳима Солиҳнинг қўлидаги пичоқни олиб, ўзига уради. “Сени ва мени бевақт ўлумимизга исроф сабаб бўлди”, дея кўзда ёш билан Солиҳ ҳам ўз жонига қасд қилади...

Драма якунида элликбошининг монолоғидан мазкур саҳна асарини орқали ҳазрати Қодирийнинг ҳам эл-улусга куюниб айтмоқчи бўлган фикрлари ўрин олган дейиш мумкин: “Сизлар ҳам шундоқ исроф қилмоқдасиз. Исрофнинг зиёнини кўрдингизлар. Файзибойдан ибрат олинглар, кўрдингизларми, исроф қилуб, охири ҳоли нима бўлди? Шарийъати мустафога бўйунсунинглар, энди кўзларингизни очинглар. Бидъат тўйга исроф бўладурган оқчага ўғлинеизларни ўқутинглар ёки жамияти хайрияга иона қилинглар. Ўғул ўқутмоқ яхши ҳам фарздор, тўйга исроф қилмоқ бидъатдур. Яна қиз эрга бермоқчи оғирлашдурганларингизни бир катта зиёни шулки, баъзи йигитларимиз ўттуз-қирқ ёшгача уйланмай юрарлар. Сабаби эса хотун олмоқ оғирлашгани, унга ўқутмоқ яхши ҳам фарздор, керак бўладур. Бул оқчани тополмай, ноилож бўлуб... қандай номаъқулчиликлар қилуб номимизни ёмонликка чиқаруб, бутун ислом оламни булғатадилар. Мунга қиллар сабаб бўлди? Албатта, қилқик оталар. Мунга гуноҳис кимга? Албатта, қилқик оталарга, чунки шарийъатда йўқ нарсаларни оламан, дейлар ва йигитларимизни мундоқ нарсалар берувга қувватлари етмайдилар-да, шундай бадкорликни ихтиёр қиладилар. Яна қилқик оталарга айтаманки, қадимги одатимизни ташласак, халқга қулга бўламиз, деб ўйламанлар. Қулган қиллар, гуноҳлари азм бўлиб, шарийъатга бўюнсунмаган бўладурлар”.

Ҳўш, бу пьеса ёзилиб, орадан бир юз ўн йил ўтгач, “Дийдор” театр-студиясида қайта саҳналаштирилиши учун нима туртки бўлди? Тўйларда

ортиқча ҳашаматга берилиш, оилавий маросимларга ҳаддан ортқ пул сарфлаш, исрофгарчилик, оқибатда бўзгича қарзга ботиш орадан бир юз ўн йил ўтса-да, келин-қўвларни том маънода бахтсиз қилмоқда. Польшалик режиссёр Мачей Виктор Абдулла Қодирийнинг ушбу асарига муурожаат қилиб, ўзбек театрида саҳналаштирган мазкур спектакль айни замон ўзбекларига тугилган тошойнадир.

Спектаклда пьесададан ташқари бир кўриниш бор. Бу кўринишга томошанинг илк дақиқаларида гувоҳ бўласиз. Унда Файзибой тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича ҳуқуматнинг қарорини ўқиб эшиттиради. Аҳамиятли ва ажабланарлиси, бу қарорни Солиҳ ва элликбоши қаторида домла-имом ҳам, Абдурахим амаки ҳам, Бой ҳам эшитида, олқишлайди; ачинарлиси қарорни Файзибойнинг ўзи ўқиб берганида...

Абдулла Қодирий “Бахтсиз куёв” драматиде кўтарган муаммо ҳануз долзарблигини йўқотмаганини даб-дабали тўй ўтказиб, қарз ботқоғига ботиб қолаётган кўни-қўшларимиз мисолида ҳам кўриб, билиб, афсуски, томошабин бўлиб турибмиз. Ҳашаматли тўй учун ортқча сарф-харажатлар замон билан ҳамнафас бўлмагани каби, ҳеч кимни, айниқса, янги оила курган ёшларнинг бахтини белгиламайди. Бу иллатнинг фожияли оқибатларини ҳам ҳаётда, ҳам ҳаётимиз кўзгуси бўлган театр саҳнасида кўриб турибмиз.

Солиҳ-ку, бир пьеса қаҳрамони. Аммо бугун ён-атрофимизда тўй қиламан деб умри азага айланаётганлар, бир кунлик тўйни деб йиллаб қарз сиртмоғида нафаси қисилганлар, айни уйнаб-қуламан деган пайтда кунининг ўн беш-йигирма соати меҳнатга сарфлаётган бахтсиз куёвлар йўқми? Одамзод ўзига ўзи тилаб олар экан-да. Ахир дабдабали тўй қилиш мажбурият эмас, аммо қарзни қайтариш икки дунё ёқангиздан тутадиган мажбурият-ку. Соғлом одам ҳеч қачон ҳалокатни ихтиёр этмайди.

Истагимиз, “Бахтсиз куёв” долзарб мавзу баёни эмас, яқин ўтмишимиздан олинган фожия бўлиб қолсин!

Оттабек ИСРОИЛОВ

ЖАҲОН АЙВОНИДА

КУНЧИҚАРДА ЧЕКЛОВ

Япония расмийлари ижтимоий тармоқлардан фойдаланишга ёш бўйича чекловлар жорий этиш имкониятини “қарамликка қарши кураш чораси” сифатида муҳокама қилмоқда. Бу ҳақда Nikkei нашри хабар берди.



Ҳозирда тегишли вазирликлар билан қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш масаласи юзасидан музокаралар олиб борилмоқда. Қонуний тартибга солишининг муайян шакли 2027 йилгача қабул қилиниши мумкин.

ИШСИЗЛАР СОНИ ОШМОҚДА



Уруш оқибатида Эронда иш ўринлари ёппасига қисқариши кузатилмоқда.

Эрон меҳнат ва ижтимоий ҳимоя вазири ўрин-

босари Фуломхусайн Муҳаммадий баёнига кўра, уруш туфайли 2 миллион киши ишидан айрилган. Иш берувчилар ва ҳуқумат расмийлари бу жараёни “ишчи кучини мувозанатлаш” деб атамоқда.

“APPLE” РАҲБАРИ ЎЗГАРАДИ

Apple компанияси 2026 йил 1 сентябрдан унинг янги бош директори Жон Тернус бўлишини эълон қилди.

Ҳозирда Тернус “Apple”нинг аппарат таъминотини ишлаб чиқиш бўйича катта вице-президенти лавозимини эгаллаб турибди.



Охириги 15 йил давомида компанияни бошқариб келётган Тим Кук ижрочи раис лавозимини эгаллайди.

АКУЛА ҲУЖУМИ

Тўйдан сўнг асал ойини ўтказиш учун Мальдив оролига саёхатга келган испаниялик Борха исмли сайёҳга акула ҳужум қилди. Бу ҳақда Daily Mail хабар берди.



Маълум қилинишича, акула 31 ёшли сайёҳ оёғини тиззадан узиб олган. Борха зудлик билан шифохонага олиб борилган. Ҳозирда унинг аҳволи оғирлиги айтилмоқда.

МУҲОЖИРЛАР РЕКОРД ДАРАЖАДА



Европа Иттифоқида янги рекорд: муҳожирлар сони 64 миллион кишига етди. Бу ҳақда РенТВ хабар берди.

Агар ЕИда жами 450 миллионга яқин аҳоли яшашини ҳисобга олсак, ҳар 7 кишидан бири хорижлик бўлиб чиқади.

НАТО БОШ КОТИБИ ТУРКИЯДА

НАТО Бош котиби Марк Рютте Анқарага ташриф буюриб, Туркия президенти Ражаб Тоййиб Эрдоған, шунингдек, мамлакат ташқи ишлар вазири Ҳокан Фидан ва муҳофаа вазири Яшар Гүлер билан учрашди.

Томонлар Атлантика океанининг ҳар икки қирғоғидаги иттифоқчилар ўртасида юзга келган тушунмовчиликлар фониде, 7-8 июль кунлари республика пойтахтида бўлиб ўтадиган альянсининг “тарихий” саммитига Туркия томонидан қўрилаётган тайёргарлик масалаларини муҳокама қилишди.



МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ


Қанчадан-қанча билимли, эл қорига ярай деб ўзини ўққа-чўқа урган инсонлар, фидойилар замоннинг шафқатсиз бурону тўфонлари ичида қолиб кетгани тарихдан аён. Бу тўфонлар не бир тақдирларни совириб, бутун умрларни издан чиқарган. Кечагина орзу ва улкан мақсадлар билан яшаган, юртига наф келтиришни ўйлаган инсонлар бир зумда ана шу сиёсий гирдоб қурбонига айланган.

Темурбек Казбековнинг тақдири ҳам айнан шундай оғир қисматлардан бири. Тергов ҳужжатларида қайд этилишича, 1937 йил 19 февраль кунини Тошкент шаҳрида ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Давлат хавфсизлиги бошқармасининг 3-бўлими тезкор вакили Гайнетдинов томонидан сўроқ қилинади. Қаҳрамонимиз шахсига доир маълумотларни асосан шу баённомадан топамиз.

1904 йилда Анджинон шаҳрида таваллуд топган Темурбек Казбеков ўз даврининг илғор ёшлари қаторида воёга етган. Унинг камолотида жадидлар илгари сурган ғоялар, янги билимга чанқоқлик муҳим ўрин тутди. Шу боис, 1922 йили Туркистон Республикаси халқ маорифи комиссарлиги томонидан иқтидорли ёшлар сафида Германияга ўқишга юборилди. Манбалар, хусусан, тергов ҳужжатларида қайд этилишича, 1922 йилда Туркистондан Германияга юборилган ёшлар таркиби ҳақида айрим маълумотлар айнан сўроқ жараёнларида келтирилган. Жумладан, Султон Матқул томонидан берилган кўрсатмада таъкидланишича, Тошкентда “Кўмак” жамияти доирасида ўтказилган йиғилишдан сўнг бир гуруҳ ёшлар хорижга ўқиш учун йўл олган. Ушбу гуруҳ чекланган таркибга эга бўлиб, улар орасида Темурбек Казбеков ҳам бор эди.

Кўрсатмада тилга олинишича, мазкур сафда Казбеков билан бир қаторда Тўлан Мўминов, Хайринисо Мажидхонова, Солиҳ Мухамедов, Абдувахоб Исҳоқов, Собир Иброҳимов ва Азимбек Беримжонов каби ёшлар ҳам бор эди. Бу маълумотлар орқали Германияга юборилган талабалар гуруҳи муайян ташкилий асосда шаклланиган, уларнинг танлиниши эса ўша даврда миллий кадрлар тайёрлаш сиёсати билан боғлиқ бўлганини кўриш мумкин.

Германияда ўтган етти йил (1922-1929) давомида Казбеков тўқимачилик соҳасида чуқур билим эгаллаб, олий маълумотли муҳандис сифатида шаклланди. “Германиядаги туркистонлик талабалар жамияти” фаолиятида иштирок этиб (1923-1924), таълимни якунлаганига қадар “Германиядаги СССР талабалари иттифоқи” аъзоси сифатида фаолият юритди. Айрим манбаларда эса ана шу муҳитнинг ички манзараси янада равшанроқ чиқиб берилади. Унда 1923-1924 йилларда мазкур жамият доирасида Аҳмад Наим, Азимбек Беримжонов, Абдувахоб Муродий ва Тўланган



Исканжжа

Мўминов каби ёшлар фаол қатнашгани тилга олинади. Улар Берлинда – турли маданиятлар туташган муҳитда ҳам таълим олган, ҳам ўз миллатининг келажаги ҳақида ўйлаган, бахslashган, изланган. Бу муҳитга Заки Валидий каби шахсларнинг таъсири бўлган. Ўша йилларда шу жамият ташаббуси билан туркистонлик талабалар учун Берлин ва Туркияда ватанпарварлик,

ва кўплаб зиёлилар қаторида Темурбек Казбеков ҳам бу қирғиндан четда қолмади. У 1937 йилда ҳибсга олиниб, унга қарши оғир айбловлар илгари сурилди.

Тергов материалларини таҳлил қилар эканмиз, айбловлар тизимидаги мантиқий зиддиятлар ва зўрма-зўракилик кўзга яққол ташланади. Унинг Германияда ўқигани, хорижий муҳитда бўлгани, турли



Темурбек Казбеков 1922–1929 йилларда Германияда ўқиган талабалар орасида.

миллатпарварлик руҳидаги журналлар нашр этилиб турган. Германияда талабалик йиллари Темурбек Казбеков шахс сифатида шаклланиган, орзу ва режалари мустақамланган.

1929 йилда Ватанга қайтган Темурбек ўз билим ва тажрибасини амалиётга жорий этишга киришди. Тошкент тўқимачилик комбинати тизимида фаолият юритиб, қисқа вақт ичида ўқув-ишлаб чиқариш бўлими директорининг ўринбосари лавозимига қўтарилди. Бу эса унинг назарий билим баробарида амалий бошқарув қобилиятига эга мутахассис бўлганини кўрсатади. Ўша йилларда Ўзбекистонда санаяти ривожлантириш жараёни кечаяётганини ҳисобга олсак, бундай кадрларнинг аҳамияти ниҳоятда юқори эди. Бироқ 1937 йилга келиб мамлакатдаги сиёсий вазият кескин ўзгарди. Оммавий репрессиялар авж олди

жамиятларда қатнашгани, бир сўз билан айтганда, фаол бўлгани ўзининг бошига бало бўлди. Айниқса, “Озод Туркистон” номли ташкилотга аъзолик ҳақидаги айбловлар унинг ишида марказий ўрин эгаллайди. Тергов баённомаларида келтирилган “икрор”лар эса ўша давр амалиётига хос бўлиб, улар қандай қилиб олингани сизга яхши маълум, ҳурматли ўқувчи.

Илмий нуқтаи назардан қараганда, бундай манбаларни танқидий таҳлил қилмасдан туриб, уларни ҳақиқат сифатида қабул қилиш мутлақо мумкин эмас. Аксинча, улар тоталитар тузумнинг сохта айблов механизмларини фош этувчи далиллар сифатида қаралиши лозим.

Казбековга ЎзССР Жиноят кодексининг 59-, 63-, 13-, 67-моддалари бўйича бир қа-

тор айбловлар кўйилади. Орадан қарийб ўн ой ўтиб, 1938 йил 7 октябрда иш янги босқичга кўтарилади. СССР прокурори А.Вишинский ҳамда ЎзССР Ички ишлар халқ комиссари Д.Апресян томонидан тасдиқланган айблов хулосасида Темурбек Казбековга нисбатан қўйилган айблов янада кенгайтирилади. Энди у нафақат аввалги айбловлар, балки ЎзССР Жиноят кодексининг 57-1, 64-, 65-моддалари бўйича ҳам жавобгарликка тортилади. Айблов хулосасида Казбеков 1922 йилдан бошлаб гўё Германия разведкаси томонидан бошқарилган ташкилотнинг фаол аъзоси сифатида кўрсатилади. Унга СССРга қайтган жосуслик фаолиятини давом эттиргани, республика текстил саноатида оид маълумотларни душманга етказиб бергани, Тошкент тўқимачилик комбинатида диверсион-зараркуналлик ишларни амалга оширгани, ҳатто Октябр инқилобининг 20 йиллиги арафасида кўпурвчилик ҳаракатларини тайёрлагани каби айблов юкланади.

Бир-бирига мантиқан боғланмаган, асосий айблов занжири орқали иш атай “оғирлаштирилиб”, яқунда олдиндан белгиланган ҳукмга ҳуқуқий тус берилади. Бу ҳолатни, айниқса, 1938 йил октябр ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг сайёр сессиялари мисолида яққол кузатамиз. Қисқа вақт оралиғида – 4 октябрдан 16 октябргача юзлаб инсон тақдири муҳокамасиз ҳал этилади. Ҳужжатларга кўра, 507 нафар ўзбекистонлик ўта оғир жазога ҳукм қилинган. Айниқса, 1938 йил 8 октябр кунини қабул қилинган қарорлар бу жараённинг ўта шафқатсиз ва шошма-шошарлик билан амалга оширилганини кўрсатади. Шу куннинг ўзида 40 нафар шахс отувга ҳукм этилган ва улар орасида қаҳрамонимиз Темурбек Казбеков ҳам бор эди. Бор-йўғи 34 ёшни қаршилаган истеъдодли муҳандис, миллатнинг оидин фарзанди ҳаёти шу тариқа фожияли яқун топди.

Темурбек Казбеков тақдири яқка шахсдан кўра кўпроқ бутун бир даврнинг фожияли манзарасини ифода этувчи тарихий далиллар. Унинг номи ўша қора рўйхатда қайд этилган юзлаб ватандошларимиз қаторида туриши қатағон йилларида илмий, ташаббускор ва мустақил фикрлайдиган кадрларга нисбатан қандай муносабат шаклланигани аниқланади.

Бугун архив ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, уларни илмий муомалага киритиш орқали бундай инсонларнинг ҳақиқий қиёфасини тиклаш – ҳам илмий вазифа, ҳам тарих олдидаги масъулиятдир. Темурбек Казбеков каби инсонлар номи унутилмаслиги шарт. Шу маънода, унинг номи туғилиб ўсган юрти Анджинон абадийлаштирилса, кўчалардан бири унинг номи билан аталса, хайрли иш бўлар эди.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

АЗИЗ ХОТИРА



ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Мажид Қодиров (Абдулмажид Қодирий) – 1886 йил 2 октябрда Тошкент шаҳри, Қорғеда маҳалласида туғилган. Тошкентдаги эски мактабни битирган. Сўнгра мадрасада ўқиган. 1906 йилдан рус-тузем мактабда математика ўқитувчиси, 1917 йилги инқилобга қадар Тошкент шаҳридаги ўрта ўқув юртларида раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатган. “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси, 1918 йилдан 1921 йилгача Тошкентда жадидлар томонидан ташкил этилган “Турон” номли 6-мактабни бошқарган. 1921 йилдан Туркистон давлат университети эски шаҳар ишчи факультетида ўзбек тилидан дарс берган. 1923 йили алоҳида хизматлари учун “Меҳнат қаҳрамони” унвони билан тақдирланган. Ўзбекистоннинг Париждаги кўрғазмасини намойиш этган. 1928 йилдан Ўрта Осиё давлат университети қошидаги “Физика кабинети”ни бошқарган. 1929 йили партия аъзолигидан маҳрум этилган. Эгаллаб турган барча лавозимларидан бўшатилган. 1937 йили НКВД ходимлари томонидан қамоққа олиниб, СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 5 октябрдаги қарори билан отувга ҳукм қилинган.

Абдуғафур Хўжа Абдусамиғ Хўжаев – 1888 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 1919–1924 йилларда “Иттиҳод ва таракқий”, “Миллий иттиҳод” ташкилотларида фаол иштирок этганида ҳамда “Уламолар яккамиллати”га раҳбарлик қилганлиқда, Осиёнинг исёнида фаол қатнашганлиқда айбланиб, ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 2-банди бўйича 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган.

Мулла Эрмат Нурматов – 1888 йили бой оилада туғилган. 1930 йили “қулоқ” қилинган. 1931 йили халқ манфаатида зид ҳисобланган, бироқ тузум талаб қилган топшириқни бажармаганлиги учун 3 йил озодликдан маҳрум этилган. “Шўро Исломи” ташкилоти аъзоси бўлган. Ҳибсга олинган пайтда имомлик лавозимида эди. Кенгашларда совет ҳокимиятига қарши аксилинқилобий чиқишлар қилганлиқда айбланиб, 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган.

Ғулумжон Жалолдинов – 1885 йили Бухоро шаҳрида туғилган. Собик амир амалдори, “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси бўлган. Чет эл билан аксилинқилобий эзишмалар учун 5 йилга қамалган. Аҳоли орасида аксилинқилобий ташвиқот олиб борганлиқда, Совет Иттифоқида бўҳтон қилганлиқда, Афғонистонга қочиш учун тайёргарлик кўрганлиқда айбланиб, отилган.

Ўринбой Дўсов – 1875 йили Пискент райони Пискент қишлоғида туғилган. “Шўро Исломи” ташкилотига раҳбарлик қилган. Ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулот бўлмаган. Колхозчилар орасида доимий равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганлиқда, троцкийчиликда, халқ душманларини мактаганлиқда айбланган. 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилиб, жазо муддати 1937 йил 16 августдан ҳисобланган.

Аҳмаджон Носирбоев – 1884 йили Жиззах шаҳрида туғилган. Собик савдогар. “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси бўлган. 1932 йили аксилинқилобий фаолияти учун қамоққа олинган ва 7 ой ҳибсда бўлган. Ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулот бўлмаган. Аҳоли орасида халқ душманларини мактаганлиқда айбланиб, отувга ҳукм этилган.

Азизбек МАҲКАМОВ,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори

Нигорахон АКБАРОВА,
тадқиқотчи

(Давоми келгуси сонда).

СУРУ

САМАРҚАНДНИНГ ЯНГИ САЙҚАЛИ

Қадим-қадимдан “Ер юзининг сайқали” дея таърифу тавсиф этилган Самарқанд замини бугун Янги Ўзбекистон зиёсидан сайқал топмоқда. Хусусан, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг эзгу ташаббуслари билан Имом Бухорий мажмуасида олиб борилган оламшумул ишлар бу мўътабар масканга буткул янги қиёфа бахш этди.

Мажмуа майдони қирқ беш

гектарга кенгайтирилиб, бу ерда ўн минг кишига мўлжалланган улкан масжид, бир юз ўн тўрт устунли, миллий андозали муҳташам айвон бунёд қилинди. Ўн тўртта мовий гумбаз ва етмиш беш метрлик тўртта минора зиёратгоҳга ўзгача улғурлик бағишлади.

Бугун бу бетимсол мажмуани кузатар эканман, ўтмишда ўзим гувоҳи бўлган бир армонли воқеага оид бадиҳамни эътиборингизга ҳавола этмоқчи бўлдим. Сабабини ўзингиз аниқласиз.

ЗИЁРАТ

1974 йилнинг кузи – пахта йиғим-терими мавсумида нуроталиқлар, шу жумладан, мактаб ўқувчилари Пайриқ туманига сафарбар этилди. Мактабимиз Мани қишлоғига тушди. Кунлар ўтиб, шундайгина ёнимизда улғу зиёратгоҳ борлигини, у Имом Бухорий номи билан аталганини эшитдик. Эшитувчилар бу зот ҳақида ҳеч нима билмагани каби, маҳаллий аҳоли тасавури ҳам бизникидан авло эмас эди.

Иттифоқо, ўша пайтда Нурота туман халқ таълими бўлими раҳбари бўлиб ишлаган Очилбой Наврўзов шароитимиз билан танишгани Манига келди. У кишига Нурота шаҳридаги 1-ўрта мактаб директори, таниқли маорифчи Баҳриддин Рустамов ҳамроҳ эди. Наврўзов директоримиз Истам Бобоёровдан зиёратгоҳ ҳақида сориштирди. Қисқаси, Наврўзов билан Рустамовнинг зиёрат нияти борлиги оидинлашди. Айрим мулоҳазалардан кейин, тарих фани ўқитувчимиз Ҳайит Исмолов ва мен



2026 йил.

уларга ҳамроҳ бўлиб, зиёратга отландик.

Зиёратгоҳдан анча берида уловдан тушиб, нақшин ёғоч дарвозагача пиёда бордик. Дарвозанинг ҳар икки томонидаги лавҳадан арабча ва ўзбекча ҳарфларда “Имом Бухорий мажмуаси” деган ёзувни ўқидик.


Мажмуа ходимларидан бири таҳорат олишимиз лозимлигини эслатди. Баҳриддин Рустамов бу масалада маслаҳат берди. Шундан сўнг биз табаррук қабрга рўбарў бўлдик. Мажмуа ходими, кексароқ отахон Куръон тиловат қилди. Дуодан кейин атрофини томоша қилдик. Мақбара деворида ром ичидаги қирилча ёзув эътиборимизни тортиди. Ундан тўлиқ номи Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғййра ибн Бардизба эканини ўқидик. Аммо исми Муҳаммад, отаси Исмоил эканини айтиб беришганидан кейин билиб олдик.

Лавҳадан “Ҳадис илмининг

пешқадами” деган ёзув ҳам бор эди. “Ҳадис” қанақа илм? Бир-биримизга савол қилдик. Биров бир нарсая дея олмади. Бизнинг гумроҳлигимиз сезилди, аммо шу ерда тиловат қилиб турган отахон ҳам “билмаслигини” бўйнига олди ва қисқ кўзларини ярим юмиб, “домла билсалар керак”, деганича биздан узоқлашди. Домла, яъни мажмуа имоми савфарда экан, учрашолмадик, савол ҳам бежавоб қолди...

Бошқаларни билмадим-у, мен 1990 йилда Тошкентда “Фан” нашриётида чоп этилган “Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари” китобчасини ўқиб, ундан кейингина, орадан ўн олти йил ўтиб, бу савол жавобини топгандай бўлдим. Қарангки, шу зиёратда иштирок этган бешовимиз ҳам маърифат ва маънавият вақиллари эдик. Азизлар, у йиллар бу кунларга ўхшамас эди...


Суюндик МУСТАҒО



1962 йил.



АБАДИЯТ ОРАЛАБ



Советча

Тошкентга биринчи марта келишим эди. Шаҳар мени қовоқ уюб кутиб олди: анҳорни пуфакчаларга тўлдириб ёмғир ёғарди.

Шаҳар одами бепарво. Қадрдон гўшасига ким келиб, ким кетгани билан иши йўқ. Ҳаммаси қайгадир шошади. Гап сўрасанг ё елка қисади, ё эшитмаганга олиб кетаверади. Фақат ёмғир баҳона, янги соябонларини кўз-кўз қилиб юрган бўй қизларгина менинг қаршимдан ўтаётди, шивир-шивир қилишади.

— Холи, анув болани қара, арабнинг ўзгинаси...

— Вой, “Қўлга тушмас қасоскорлар”даги лўлига ўхшайди-я...

— Шимини ўзи тикиб олганми...

Эгнимдаги кўйлак акамники. У ҳарбий хизматга кетган куни янгамга ялиниб олволганман. Кўйлак шундай кенги, яна бир синф бола ёпинса бўлади. Оёғимда ўша пайтда ҳамма қишлоқ болалари севиб кийган икки сўмлик латта туфли.

Қизларга гап отгим келади, тагин. Улар эса шарақлаб қулишиб мендан узоклашади. Кийимга эмас, кўнгилга қараш керак, ойимчалар!..

Учининчи битириш арафасида адабиёт муаллимимиз билан айтишиб қолдим. У бутун синф олдида “Сендан икки дунёда ҳам шоир чиқмайди”, деди. Уша пайтларда мен шеър машқ қилиб юрардим. Қалин дафтаримни кўйнимга солиб, муаллимдан аразлаб, поезд станциясига чиқдим.

Хуллас, мен Тошкентга уйдан қочиб келгандим!

Шундай қилиб, анҳорнинг бўйидаман. Ўтган-кетгандан Ёзувчилар союзини суриштираман. Ҳеч ким айтмайди. Бу ёқда эса, катта шаҳарда биринчи марта, кўш ботаётганини томоша қилаяпман. Борадиган жойим йўқ. Вокзалга қайтаман.

Перрон тўла одам. Қоп-қора тутун пуркаб юрган паровозларга термуламан. Бормаган жойи йўқ уларнинг, кўрмаган шаҳри йўқ паровозларнинг...

— Ҳа, бола, сен ҳам шоирми дейман. Паровозлар билан гаплашяпсан?

Умримда биринчи марта мени шоир, деб атаган одамга қарайман. Унинг бир қўлида гўжим бўлган костюм, бир қўлида эса газета. Ўрта бўй, озгин, аммо кўзлари тўла табассум.

— Уйга кетмоқчийдим, — дейман хўрсиниб.

— Билетим йўқ.

— Ўзинг қаердансан?

— Марҳаматдан.

— Марҳаматинг қаерда?

Савол менга ёқмайди. Дарров қовоғимни соламан. Янги танишим елкамдан кучиб олади:

— Бўлди, бўлди, ҳазиллашдим. Марҳаматга борганман, биламан. Зўр шаҳар. Мен Тошкентга нега келганимни сўрамоқчийдим, ука.

— Абдулла Ориповни кўришга келувдим.

— Кимни-кимни?..

Наҳотки Ориповни ҳам танимасан? Қанақа одам ўзи бу?

Сўхбатдошим эса баралла кула бошлади.

Кулганида кўзларидан ёш оқиб кетаркан. Кўп ўқиса керак-да.

— Қани, кетдик!

Индамай унга эргашаман. Қизик, машинаси бормикин. Барибир бошқа борадиган жойим йўқ.

Бироқ бу одам ўзи ким экан?

— Сиз ким бўласиз?

У жавоб ўрнига кулиб қўя қолади.

Йўловчи машинада шаҳарга кириб борамиз.

Янги танишимнинг хотини бизни хурсанд кутиб олади. Лекин минг яширмасин хайронлигини сезаман.

Латта туфлини ивиб каламушга ўхшаб қолган. Иссиққина хонада қандчай ичиб ўтирибман. Ичкаридан товуш келади.

— Бу йигитча ким?

— Ишинг бўлмасин, катта шоир у. Ҳозир чой ичиб олсин, шеърларини эшитасан...

Чойни хўриллатиб ичаётганимни сезаман. Бироқ бошқа иложим йўқ. Шунга ўрганиб қолганман. Бизнинг уйда ҳамма шундай чой ичади, музикаси билан. Эҳ, кетақолсам бўлармиди.

— Ўзинг яхши шоир экансану чойни хўриллатиб ичар экансан-да, ука!

— Бизнинг қишлоқда чойни ҳамма шунақа ичади.

— Машқ қил, балки ўрганиб кетарсан.

— Нимани?..

Эр-хотин бир-бирига қараб қолади. Мен бироз уялган бўламан. Бироқ яна ичимда шайтон ўйинга тушади. “Нима бўпти. Чойни ҳамма ҳар хил ичади. Биров иссиқ, биров совутиб, яна биров эса овоз чиқариб. Сен эса хўриллатиб ичавер”.

Кейин “мушоара” бошланади.

Битта шеър ўқийман. Ёқмайди. Яна ўқийман. Яна ёқмайди. Янги чойни баҳона қилиб чиқиб кетади. Шу қўйи қайта шеър эшитишга келмайди. Мен эса яна ўқийвераман. Ниҳоят, товушим хириллаб қолганида, жаҳлим чиқади.

— Нега ёмон дейсиз. Ахир бу шеърларимни ҳамма мақтайди-ку! Сиз кимсиз ўзи?..

Мезбон энди хандон отиб кулади. Шунақанги қаттиқ куладики, хотини югуриб чиқади.

— Биласанми, мен ҳам шоирман. Ўша ўзинг айтган Абдулла Ориф...

У гапини тугатмаёқ ўрнимдан отилиб туриб, эшикка ёпишаман. Абдулла ака чаққонлик билан қўлимдан ушлаб олади:

— Қаёққа, вой тентаг-ей, қаёққа борасан ярим кечада?

Диванга чўкаман. Ҳар замонда ер остидан унга қараб қўяман. Худди ўзи. Абдулла Ориповнинг ўзгинаси. Ахир, телевизорларда неча марта кўрганман. Наҳотки танимасан?

Энди иккаламиз қўшилишиб куламит. Хандон отиб куламит...

Тонда уйгонсам, Абдулла ака йўқ. Янги ҳам сутчай тайёрлаб қўйиб, ишга кетибди.

Энди сутчайни овозсиз ичишни машқ қилаётганимда эшик очилади. Абдулла ака жилмайиб, менга кўз қисиб қўяди. Қўлида қозғоз кути.

— Ма, кийвол, ҳозир билетга борамиз.

Қарасам, яп-янги туфли. Ярақлаб турибди. Сал уялган бўламан. Ичимда эса ўзимни оқлайман. “Шундай катта шоирга бир жуфт туфли нима бўпти. Истаса сенга машина олиб беришга қурби етади. Ол, оғайни, ноз қилмай киявер”.

Янги туфлини кийиб, эскисини дуррага ўраб, сумкага соламан. (Отам бу сумкага бозор-ўчар қиларди. Роса қидиргандир.)

Абдулла ака сумкага ишора қилиб кулади:

— Деҳқон боласин-да, пишиқсан. Эски туфлингни ҳам эсдан чиқармадинг-а?..

Кассирлар Ориповни ҳам танишмас экан. Китоб ўқиймайди-да. Вақтлари йўқ. Муҳим ишлари кўп. Улар ўқишдан кўра санашни яхши кўришади. Пул санашни.

Зўрға билет оламит. Паровоз чинқириғи остида менга азиз ва қадрдон бўлиб қолган товуш янграйди:

— Ўқишни битириб тўғри олдимга кел. Хайр, ука!..

Бу воқеага роса ўн олти йил бўлибди. Ўн олти йилдан буён Абдулла акага буни айтолмадим. Айтсам, қандайдир яқинликни даъво қилаётгандай бўлардим. Эҳтимол, ўша йили мактабни битириб, тўғри олдига келсам, бунчалик қийналиб ўқимасдим, минг азобда китоб чиқармасдим, ким билди дейсиз. Лекин Абдулла ака менга фақат туфли совға қилмаганди. У менга тўғрилиқни, ҳалолликни, одамийликни, мақсадга етиш учун одам жуда катта меҳнат қилиши кераклигини ҳам ўргатганди.

Мана, ўзи айтганидек, мен яна унинг олдида келдим. Бу сафар ўша бола пайтимда кўнглимни кўтариб, ҳеч ким эшитишни истамаган шеърларимни тинглаб, яхши маслаҳатлар бергани учун раҳмат айтгани келдим...

Талант нодир ва улуг. Талант маънавий дунёнинг энг буюк чўққиси. Аммо оддий одамгарчилик, инсонийлик ундан ҳам улуг!

Муҳаммад ЮСУФ


1989 йил.

“

Санъатнинг мақсади нарсаларнинг ташқи кўринишини акс эттириш эмас, балки уларнинг ички моҳиятини очиб беришдир.

АРИСТОТЕЛЬ

”



Ў

ҲАЖВ

Хониш (ёки тониш)

Шинаванда улпатларимдан бири санъатчиларни учига чиққан ҳозир-жавоб деб алқганини эшитганим бор. Кеча Аббос қотма никоҳ тўйини қайтарма қилганида ИТда тарқаган шоу-шувли солиқ даҳмазасига жавобан бир ўлан эшитдим-у, бир қўлим билан ўз ёқамни, буниси билан яллачини ёқасидан тутдим. Барҳақ, занғарни шикоятни ўта пойинтар ва бепарда эди. Ҳарна, бул ювуқсизга таскин бўлар деб, ушбу қалтис мавзуну қозғозга чалпак қилдим.

“Солиқ” сўзин эшитсам, қақшайди устихоним, Лунжимда қотар қази, лабимда тўнғир хоним. Бу нечук аччиқ савдо, эй кавкаби осмоним, Наҳот пугурдан кетди, вох, таралла замоним? Оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним.

Олиқ бору солиқ йўқ рўзгоримга кўз тегди, Ё бир қинжир ноибга ғойибидан сўз тегди, Ё блогер жанасга ҳангитери гўс* тегди, Ёки палакат босиб, ўртакашга пўст тегди. Оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним.



Аравакаш, носпуруш, гўрков, овчи, шопир ҳам, Новвой, ғассол, сартарош, пахтақору шоир ҳам, Ўтпарасту бутпараст, яхуд, муслим, кофир ҳам, Солиқ тўлар дейдилар учаскавий Собир ҳам, Оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним.

Шу халқнинг ўзи бизни тантиратиб ўстириб, “Опош-опош” қилди-ку бесабаб пул кистириб, Наҳот энди берганин олса, хайҳот, кустириб, Санъат қошонасининг порлоқ кўшкун буздириб? Оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним.

Бизлар сопол мушукдек фақат олиб яшадик, Ўнгни ўпириб, чапга чангал солиб яшадик, Хит парадда итариб, дўстни чалиб яшадик, Мов мушукдек ҳаётдан нукул нолиб яшадик. Оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним.

Отарчидир отимиз, отиб кетамиз, ёр-ёр, Ўйинчимиз – ўнғайда ётишимиз ҳам даркор, Улусни кўтараси сотиб кетишимиз бор, Сотамизу, бировга бир тин** бермаймиз зинҳор, Оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним.

Шамсий йил ҳисобига ҳамал (қўзичоқ) ойининг 23-ғиратонгида сўнаётган заҳил юлдузларга маънос боқиб, абадиятга миҳладим.

Саттор СУРОБ

гўс* – жанг ноғораси.

тин** – тийин (қистиришга ярамайдиған ўтмиш пул бирлиги).

Jadid

adabiy, ilmiy-maʼrifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

Бош муҳаррир:
Иқбол МИРЗО

Муаллиф фикри тахририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Тахририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Масъул котиб: Шухрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Отабек Бакиров

Адади – 18 497

Шундан:

Кирилл ёзувида – 7024
Лотин ёзувида – 11 473
Медиа кузатувчилар – 82 648
Буюртма: Г – 439
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6

Саҳифаловчилар:

Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навойи кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00
Босишга топширилди: 21:00

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz

Муассислар:



ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УОШМАСИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ



МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ЖАМОАТ ФОНДИ



“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИ